

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КРЕДИТ-ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Кредит-иқтисод” факультети
декани, и.ф.н., проф. в.в.б.

Каралиев Т.М. _____

“ ____ ” _____ 2015 й.

“БАНК ИШИ” КАФЕДРАСИ

АБДУХАЛИКОВ ТОЙИРЖОН АБДУРАСИЛОВИЧ

**БАНК АКТИВЛАРИ БЎЙИЧА МАХСУС ЗАХИРАЛАРНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ ВА
УНДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ**

5230700 – “Банк иши” таълим йўналиши бўйича
бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:
Ф.Холмаматов

“ ____ ” _____ 2015 й.

“Ҳимояга тавсия этилади”
“Банк иши”

кафедраси мудири в.в.б.

_____ Д.Саидов

“ ____ ” _____ 2015 й.

ТОШКЕНТ – 2015

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	3
I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АКТИВЛАРНИ ТАСНИФЛАШ ВА МАХСУС ЗАХИРАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	6
1.1. Тижорат банклари активларини таснифлашнинг иктисодий моҳияти ва объектив зарурлиги	6
1.2. Тижорат банкларида махсус захираларни шакллантиришнинг меъерий-ҳуқуқий асослари	16
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МАХСУС ЗАХИРАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ	26
2.1. Ўзбекистон тижорат банкларида активлар бўйича махсус захираларни шакллантириш ва уларни баҳолаш мезонлари	26
2.2. Республика тижорат банкларида муаммоли активлар ва уларга захира ташкил қилиш амалиёти	42
III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЗАХИРАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ	57
Хулоса	62
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	67

Кириш

Битирув малакавий ишининг долзарблиги. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг тутган ўрни, вазифалари ва функциялари алоҳида аҳамиятга эгадир. Банк тизими мамлакат иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Банкларнинг кредит операциялари эса асосий операциялардан ҳисобланиб, банкнинг анкларнинг кредит операциялари эса асосий операциялардан ҳисобланиб, банкнинг молиявий ҳолатига бевосита таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан актив операциялар, хусусан, кредит операциялари алоҳида аҳамият касб этади ва доимо диққат марказида туради.

Мустақилликка эришгандан сўнг, икки поғонали банк тизими шакллантирилиб, тобора жаҳон талабларига мослашиб бормоқда.

Банклар томонидан фақат ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган кредитлар ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,2 баробар, айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган кредитлар эса 1,3 мартадан зиёд ошди. 2014 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 триллион сўмдан ортиқ ёки 2013 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп, шу жумладан, 2 триллион сўмга яқин миқдордаги микрокредитлар ажратилди. Бу ўтган йилга қараганда 39 фоиз кўпдир. Сўнгги беш йилда кичик бизнесни кредитлаш ҳажми қарийб 5 баробар кўпайди¹.

Тижорат банкларининг жами активлари ҳажми 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 28,2 фоизга ошиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 56,2 трлн. сўмга етди. 2014 йилда тижорат банкларининг кредит кўйилмалари умумий ҳажми 2013 йилга нисбатан 31,2 фоизга ўсиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 34,8 трлн. Сўмни ташкил этди. Амалга оширилган

¹ Каримов И.А. «2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир». Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2015 й. 6-7 б.

тадбирлар натижасида 2014 йил давомида тижорат банклари томонидан мазкур соҳа субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлари ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, қарийб 9,2 трлн. сўмни ташкил этди².

Ҳозирги глобаллашув шароитида банк тизими ва тижорат банкларининг молиявий жиҳатдан барқарорлиги, молиявий ресурсларнинг самарали ишлатилиши, йўқотишларни олдини олиш мақсадида ташкил этиладиган турли хил захиралар, хусусан, муаммоли кредитларни қоплаш учун ташкил этиладиган махсус захиралар, уларнинг нормаларда ташкил этилиши барқарор банк фаолиятининг гаровидир. Айниқса, кредитларни таснифлаш ва уларга захира ташкил этиш банклар учун муҳим ҳисобланади. Тўғри захира ташкил этиш ва уни оқилона бошқариш тижорат банкларида молиявий ресурсларнинг етишмаслигини олдини олади, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш эса бевосита банкнинг даромад келтирадиган операцияларига йўналтирилса, банк учун кўшимча даромад манбаи бўлиши мумкин. Бу биринчидан, банкларнинг ҳаражатларини камайишига хизмат қилса, иккинчидан банклар учун кўшимча даромад ва фаолият кўламини кенгайтиради. Қолаверса, бу аҳолининг иш билан таъминлашга, даромадларини оширишга ва фаровонлигига хизмат қилади. Захираларни белгиланган меъёрдан кам миқдорда ташкил этиш эса банкнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этиши мумкин, яъни меъёридан кам миқдорда ташкил этилган захира муаммоли кредитлардан келадиган зарарларни қоплашга етмаслиги мумкин. Бу бевосита банкнинг шаффофлигига ҳам ўз таъсири ўтказмасдан қолмайди. Бундан ташқари мазкур захиралар солиқлар ва дивидентларга ҳам таъсир қилади. Заҳиранинг кўп миқдорда ташкил этилиши солиқлар ва дивидентлар миқдорини камайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида иқтисодий қимматли қоғозларга бўлган ишончни пасайтиради ва фонд

² Муллажонов Ф.М. “2014 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари”, “Бозор, пул ва кредит” журнали, 2015 й, №1, 8 б.

бозорининг сустлашишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун бугунги кунда улар фаолиятини ривожлантириш, учраётган муаммоларни вақтида аниқлаб бартараф этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Шу нуқтаи-назардан олиб қараганда бугунги кунда тижорат банкларида активлар бўйича махсус захиралар яратиш механизмини такомиллаштириш муҳимдир.

Битирув малакавий ишининг **мақсади ва вазифалари** қуйидагилардан иборатдир: мақсади тижорат банклари активлари бўйича захира ташкил этишни такомиллаштириш ва уни янада самарали бошқариш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Ишнинг асосий вазифалари:

- Тижорат банклари активларини таснифлашнинг иқтисодий моҳияти ва объектив зарурлигини асослаб бериш;
- Тижорат банкларида махсус захираларни шакллантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- Ўзбекистон тижорат банкларида активлар бўйича махсус захираларни шакллантириш ва уларни баҳолаш мезонларини таҳлил этиш;
- Республика тижорат банкларида муаммоли активлар ва уларга захира ташкил қилиш амалиётини такомиллаштириш.

Битирув малакавий ишининг **объекти** бўлиб, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг актив операциялари бўйича махсус захираларни шакллантириш ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг **предмети** бўлиб, тижорат банклари кредитларини таснифлаш, захира ташкил этиш ва уни амалга ошириш механизми ҳисобланади.

Битирув малакавий иш таркибининг қисқача тавсифи кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АКТИВЛАРНИ ТАСНИФЛАШ ВА МАХСУС ЗАХИРАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тижорат банклари активларини таснифлашнинг иқтисодий моҳияти ва объектив зарурлиги

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг асосий мақсади юқори даромад олишга қаратилгандир. Бунинг учун эса банк молиявий жиҳатдан барқарор бўлиши, доимий ва мунтазам даромад манбаига эга бўлиши талаб этилади. Банкнинг асосий даромади бу бевосита актив операциялардан шаклланади. Актив операцияларнинг ичида ссуда(кредит) операциялари асосий ўринни эгаллайди. Бу шундан далолат берадики, кредит операцияларининг қай даражада ташкил этилганлиги ва ҳолати бевосита банк актив операциялари, қолаверса, банкнинг фаолиятини белгилаб берувчи муҳим омилдир. Банк активларини доимий тарзда назорат қилиб бориш, муаммоли активларни ўз вақтида аниқлаш ва улар бўйича тегишли чоралар кўриш ҳар доим ҳам долзарб масала ҳисобланади. Активларни самарали ташкил этиш ва бошқаришда уларни таснифлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Банк активлари таснифланишини тўғри йўлга қўйиш, уни доимий назорат қилиб бориш, банк тизимида бўлаётган ўзгаришлар мослаштириш, таснифлаш мезонларини ишлаб чиқиш банклар самарали фаолиятининг гаровидир. Банк активлари таснифланганда муаммоли активларни олдини олиш ва камайтириш чоралари кўрилади. Шундай усуллардан бири ссудалар (активлар) бўйича мумкин бўлган йўқотишлар учун захираларни ташкил этиш ҳисобланади.

Кредит хатарининг банк фаолитига таъсири натижаси ўлароқ ссудалар бўйича эҳтимолдаги зарарни қоплаш учун захиралар яратиш зарурати юзага келади. Мазкур захира банкларнинг молиявий фаолияти учун барқарор шароит яратилишини таъминлайди ва ссудалар бўйича кўрилган зарар ҳисобдан ўчирилиши муносабати билан қиймат

тебранишини четлаб ўтиш имконини беради. Ссудалар бўйича эҳтимолий зарарни қоплаш учун захира банк харажатларига киритиладиган ажратмалар ҳисобидан шакллантирилади ва ундан асосий қарз бўйича қарздорлар тўламаган ссуда қарзини тўлаш учунгина фойдаланилади.

Шундай қилиб, банклар томонидан ссудалар бўйича эҳтимолдаги зарарни қоплаш учун захиралар яратилиши банк ажратган кредитнинг бир қисми қайтарилмаслиги оқибатида тўсатдан зарар кўриш омилини истисно қилиш (суғурталаш) бўйича самарали метод ҳисобланади, бироқ захира ҳисобидан тўланиши керак бўлган зарар ҳажмини белгиловчи кредит хатари миқдорини ўта аниқ белгилашни талаб этади.

Ссудалар бўйича мумкин бўлган йўқотишлар учун захираларни ташкил этиш муаммолари биринчи навбатда кредит рисклари билан боғлиқ, чунки банк амалиётида аксар ҳолларда банкларнинг банкрот деб эълон қилинишига “ёмон” кредитлар сабаб бўлади. Кредит хавфи (риск)нинг иқтисодий моҳияти кўриляётган мавзунинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Кредит рискнинг моҳиятини тушунмасдан туриб захираларнинг маъноси ва аҳамиятини аниқлаб олиш қийин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида” Низомга асосан, кредит таваккалчилиги - қарздорнинг шартномада белгиланган шартлар бўйича банк олдидаги ўз молиявий мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмаслиги натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ таваккалчилик³, деб таърифланади. Юқоридаги кўрсатмада айтиб ўтилган кредит rischi кредит шартномасида белгиланган муддатгача бўлган давр билан чегараланади. Кредит rischi (хатари) шартнома муддати

³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида” Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 25 майда 2229-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 7 майдаги 14/2-сон қарори)

кечиктирилгандан сўнг ишга тушади, у банкнинг инқирозига ёки унга давомий таъсир ўтказилишига сабаб бўлади.

Базель Кўмитаси эса кредит rischi ҳақида батафсилроқ айтиб ўтади: “Алоҳида қарз олувчи билан боғлиқ риск кўлами қарз олувчига берилаётган барча кредит инструментлари, шунингдек балансда ўз аксини топган кредитлар, аванслар, овердрафтлар, у эгалик қилаётган қимматли қоғозлар, қарз олувчининг бевосита ва билвосита мажбуриятлари, унинг баробарида балансда кўрсатилмаган мажбуриятлар, андеррайтинг, индоссаментлар, жойлаштирилган маблағлар, берилган хужжатли аккредитивлар, шартномавий мажбуриятларни бажариш кафолатлари ва бошқа шартли мажбуриятларни ўз ичига олади. Фоиз ставкалари ва валюта шартномалари билан боғлиқ бўлган банк рисклари ҳам ушбу тоифага киритилиши лозим”. Ушбу таърифнинг асоси кредит rischi амал қиладиган санаб ўтилган объектлар, яъни кредит воситалари, аванслар, фоиз ставкалари, валюта шартномалари ва ҳк.лар билан аниқланади. Кредит rischi моҳияти, унинг иқтисодий табиати, кредит rischi юз берадиган кредит муносабатлари юқоридаги таърифга киритилмаганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Захиралар нима учун яратилиши, (қандай хатарни қоплаш учун), қандай мақсадга сарфланиши, қайси қоидаларга кўра шаклланиши, уларни шакллантириш ва ишлатиш эркинлиги қай даражада эканлиги банк захираларини шакллантириш ва ишлатиш тартибини белгилайди. Банк захираларининг ҳаммасини банк хатарини суғурталаш учун яратиладиган маълум тизим деб ҳисоблаш мумкин.

Кредит ташкилотининг захираларини самарали ва самарасиз деб таснифлаш мумкин. Хусусан, А.В.Беляков “ўз эгасига ноқулай воқеалардан ҳимояланиш, исталмаган оқибатларни юмшатиш” имконини берувчи хусусиятга эга захираларни самарали захиралар тоифасига киритади. Бунда, унинг таъкидлашича, “хўжалик юритувчи субъект қанчалик кўп самарали захираларга эга бўлса, унинг корхонаси шунчалик

ишончлидир”. А.В.Беляков захираларнинг бундай турига “зарарларни коплаш учун яратиладиган захира фондини” киритади, “уни шакллантириш тартиби ва ундан фойдаланиш амалдаги фукаролик конунчилиги билан тартибга солинади”.

А.В.Беляковнинг фикрига кўра, самарасиз захиралар, “моҳияти бўйича эмас, балки номи билангина захиралар бўлгани ҳолда”⁴, ўз эгасини ноқулай воқеалардан ҳимоя қилиш, исталмаган оқибатларни юмшатиш каби хусусиятларга эга бўлмайдиган захиралардир.

Айрим муаллифлар захира деганда молиявий ресурсларнинг кафолатли ликвидлигини таъминлаш учун ишлатиладиган активларни тушунадилар. Масалан, Ч.Дж.Вулфелнинг фикрича, айрим турдаги операцияларни, хусусан актив операцияларни бошқариш турли ликвидлик даражасига эга активлар ажратилишини ва берилган даражада сақлаб турилишини талаб этади: “Нақд шаклдаги активлар бирламчи захира дейилади”. Иккиламчи захиралар- юқори сифат ва ликвидликка эга бўлган даромадли активлардир, булар қисқа муддатли давлат қимматли қоғозлари, банк акцептлари, тижорат қоғозлари. Ч.Дж.Вулфелнинг фикрича, бундай бирламчи ва иккиламчи захираларни яратишдан мақсад- тижорат банкининг ликвидлигини таъминлашдир. Ўз моҳиятига кўра- бу баланс ҳисоботларида акс эттирилмайдиган, бироқ қайтариб олинаётган омонталарни тўлаш ва кредит олишга берилган буюртмани қондиришда зудлик билан ишлатиш учун муҳим бўлган функционал захиралардир, яъни тижорат банкининг ликвидлигини таъминловчи асосий манба. Бу захиралар барча активлар суммасига нисбатан фоиз миқдориди белгиланади ва юқори ликвидликка эга активларлардан иборат бўлади. Иккиламчи захираларга маълум даромад олиб келадиган “ғазнадан ташқари” ликвид активлар киради, чунки биров зарар кўрганда уларни сотиб, нақд пулга эга бўлиш мумкин. Улар, асосан, қимматли қоғозлардан

⁴ Чарльз Дж.Вулфел. энциклопедия банковского дела и финансов. /Пер. С англ.- М.: Корпорация “Федоров”, 2000.- С.1087.

иборат. Иккинламчи захираларининг активлардаги улуши бутун банк тизими маълумотларига асосланиб белгиланади.

Э.Риднинг таъкидлашича, активларни умумий маблағлар жамғармаси модели асосида ёки “банклар ичидаги банклар” методи билан бошқариш жараёнида биринчи навбатда бирламчи захиралар шаклланади, яъни ликвидликни таъминлаш мақсадида қайтариб олинаётган омонталарни тўлаш ва кредит олишга берилган буюртмани қондириш учун зудлик билан ишлатилиши мумкин бўлган активлар. Бу тижорат банкининг ликвидлигини таъминловчи асосий манба. Бирламчи захиралар таркибига ғазнадаги нақд пуллар ва чеклар, бошқа тижорат банкларидаги корреспондентлик ҳисоб рақамларидаги маблағлар, яъни “Нақд пуллар ва тўлов хужжатлари” қисмига кирадиган активлар киради. Иқтисодий табиатига кўра, бу функционал касса ликвид активларидир⁵.

Иккиламчи захиралар- бу маълум даромад келтирадиган “кассадан ташқари” ликвид активлардир. Бу энг кам хатар қилган ҳолда нисбатан қисқа муддатда нақд пулга айлантириш мумкин бўлган юқори ликвидли даромадли активлардир. Иккиламчи захиралардан асосий мақсад-бирламчи захираларни тўлдириш манбаи бўлиб хизмат қилиш. Иккиламчи захиралар- бу бухгалтерлик ҳисоботларида акс эттириладиган иқтисодий категория. Иккинчи навбат захирасига ликвид қимматли қоғозлар ёки ссуда ҳисоб рақамларидаги маблағлар киритилади. “Тижорат банклари” китоби муаллифларининг фикрига кўра “омонатлари ва кредитлари ҳажми барқарор бўлган банкка қараганда, омонатлари миқдори ва кредитига талаб тез ўзгариб турадиган банкка катта миқдордаги иккинчи навбат захираси кўпроқ зарур”⁶

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 9 ноябрда 242-сонли “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин

⁵ Рид Э. и др. Коммерческие банки. - М.: СП “Космопротис”. 1991. 124-131-б.

⁶ Ўша китобдан. -С.127

бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби”да захиралар қуйидагича таърифланади:

Махсус заҳира - “стандарт”, “субстандарт”, “шубҳали” ва “умидсиз” деб таснифланган кредитлар ва лизинг ёки бошқа алоҳида муайян активлар бўйича юзага келиш мумкин бўлган зарарларни қоплашга мўлжалланган заҳира.

Умумий заҳира - бу заҳира банк фаолияти бўйича умуман ёки бирор-бир фаолият тури (кредитлаш, инвестициялаш ва б.) бўйича юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун мўлжалланган. Алоҳида муайян операцияларга доир зарарлар бундан мустасно. “Яхши” кредитлар бўйича йўқотишларга қарши ёки миллий валюта девальвацияси бўйича захиралар бунга мисол бўла олади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволига таъсир қиладиган ҳар қандай кутилмаган, нохуш, фавқулодда вазиятлар, одамларнинг атайин ёки билмай қилган ҳаракатлари, олдиндан кутилган ёки кутилмаган, ҳалокатли ёки ҳалокат бўлмаган ходисалар заҳира яратишга объектив зарурат туғдиради.

Заҳира яратишдан умумий мақсад даромаднинг бир қисмини дарҳол тақсимлашдан ушлаб қолиш ва уни келажакдаги кўпинча мавҳум молиявий муаммоларни ҳал қилиш учун сақлаб қўйишдан иборат. Заҳира режалаштирилган харажатлар кутилгандан ортиб кетганда ҳам, режалаштирилган даврда даромад пасайиб кетишини компенсация қилиш учун ҳам керак бўлиши мумкин. Шунингдек, захиралар молиявий маблағлар узилишлар билан келиб тушаётганда, уларга бўлган талабга мос келмаганда ҳам яратилади.

Банк захиралари молиявий муносабатлар тизимида муҳим ўрин эгаллаган элемент бўлиб, уларнинг яратилиши банк фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқади ва муқаррар равишда маълум хатарга жазм қилиш зарурати билан боғлиқдир. Банк бажарган деярли ҳар қандай

операция хатар билан боғлиқ бўлиб, унинг даражаси турли омилларга боғлиқ.

Захира яратиш муаммосининг кўпгина жиҳатлари банк менежменти принциплари тизимига боғлиқ. Менежментдаги режалаштиришнинг умумий принциплари ичида захира яратиш принципи самарали бошқарув тизимини яратишда муҳим ўрин эгаллайди. Захира яратиш йўли билан нотўғри молиявий қарорларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш мумкин. Захира яратиш принципи бузилиши мумкин, айнан шунда банк фаолиятида шаклланадиган захираларнинг субъективлиги намоён бўлади.

Захираларнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, улар бартараф этиладиган хатар моҳияти билан узвий боғлиқ. Захираларга талаб ноаниқ бўлган тақдирда уларнинг даражаси стохастик қонунга кўра ўзгариши банк захираларида ўз аксини топади. Биринчидан, банк хатари намоён бўлиши муддатлари номаълум (у ўз табиатига кўра тасодифийдир), иккинчидан, хатардан кўриладиган зарарни олдиндан билиб бўлмайди ва у кенг кўламда ўзгариб туради. Хатардан кўрилган зарар банкни банкротликка олиб келадиган даражага етиши мумкин.

Захира яратишнинг банк хатарини амалга оширишдан кўриладиган зарарни қоплаш воситаси сифатидаги имкониятлари чекланган, чунки банк хатари, одатда, кўпгина микро- ва макро омилларга, объектив ва субъектив сабабларга боғлиқ. Бироқ, асосий хатар ва унинг асосий омиллари номаълум. Шу муносабат билан банкларда алоҳида хатарлар амалга оширилганда кўриладиган зарарларни қоплаш учун захиралар (масалан, ажратилган ссуда бўйича эҳтимолдаги зарарни қоплаш учун захира) ва интегратив хатарга олиб келувчи бир қатор омиллар юзага келишининг салбий оқибатларини зарарсизлантириш учун захиралар (мажбурий захиралар жамғармаси, омонатларни суғурталаш жамғармаси) яратилади.

Банк захираларининг принципиал хусусияти шундан иборатки, улар кумулятив хусусиятга эга. Захиралар маълум вақтда яратилади (масалан,

кредит ажратилаётган вақтда) ва маълум мақсадларда тўпланиши ва сарфланиши мумкин. Маблағлар жамғарилганда, захиралар ҳам яратилади.

Захиралар, бир тарафдан, банк томонидан ўтказилиш вақти чекланган конкрет амалиётни бажариш пайтида йўқотишлар эҳтимоли юзага келганида таваккалнинг конкрет туридан сақланиш воситаси ролини ўйнайди. Бошқа тарафдан, банкда барча яратилган захира турларининг жамғармасидан иборат бўлган қандайдир доимий қийматнинг (пул маблағлари фондининг) мавжуд бўлиши унинг молиявий барқарорлигини таъминловчи восита ҳисобланади.

Захира қилиш усули – аниқ бир банкка етказилган бевосита зарарни кўзда тутган тарзда кредит rischi бошқарувини компенсация қилиш (қоплаш) усулидир. Бироқ, кредит riskига таъсир қилувчи, давлатнинг тартибга солиш услублари асосидаги бошқа билвосита усуллар ҳам мавжуд. Улардан бири меъёрлар тизимини ўрнатиш ҳисобланади.

Кредит riskини чеклашнинг бошқа шу каби услублари хорижий мамлакатларда ҳам мавжуд. АҚШда берилган кредитларнинг банк капиталига минимал нисбати (11 мартани ташкил қилади), Францияда бир кредит олувчига ёки бир гуруҳ кредит олувчиларга кредит ҳажмининг чегараси банк ўз маблағларининг 75%ини ташкил қилади, шунингдек Германияда ҳам йирик кредитлар беришда берилган кредитлар суммасининг ўз маблағларига нисбати инобатга олинади.

Мавжуд шарт-шароитларда захиралашнинг роли кредит riskларининг ортиб бораётган аҳамияти билан белгиланади. Кўплаб банк иши мутахассислари банк менежментининг энг муҳим принципларидан бири банк хатарларини мумкин қадар камайтириш деб ҳисоблашади.

Ссудалар бўйича мумкин бўлган йўқотишлар учун шакллантириладиган захираларнинг аҳамияти яна шундан иборатки, захираларнинг тегишли кўрсаткичлари тижорат банкларининг рейтингини баҳолашда қўлланилади.

Банк захиралари жаҳон молиявий муаммоларини ҳал этишда кенг қўланилади. Масалан, ўтган асрнинг 80–йилларида Ғарб банклари ўзаро бирлашиш ва таркибий қўшилишдан, кўчмас мулк сотиб олиш учун бериладиган қарзлардан ҳамда қарзларни қимматли қоғозларга алмаштириш операцияларидан мўмай даромад ортирдилар, бу эса мустақил давлатларнинг тўланмаган қарзлари билан боғлиқ зарарларни қоплаш захираларини кўпайтириш имконини берди⁷. Бу ҳолда захиралар қарзларни тўлаш учун керак эди, чунки қарзни расмийлаштириш ва уни қарзни қайтариш орасидаги вақт банклар томонидан қўшимча захиралар шакллантириш учун ишлатилган эди. Агар банклар қўшимча захиралар яратмаганларида, улар муддати ўтган қарзларни тўлай олмаган бўлар эди. Шундай қилиб, молиявий захиралар ноҳуш қарзларни қайтариш муддати кечикканида захираларни жамғариш муддатидан фойдаланиш имконини беради.

Халқаро амалиётда банклар фаолиятининг қиёсий таҳлилида захиралар албатта кўрсатиш мажбурий ҳисобланади. Масалан, халқаро молиявий ҳисоботлар стандартларига (ХМҲС) кўра, таққослаш куйидаги асосий кўрсаткичлар бўйича амалга оширилади:

- Соф фоиз даромади;
- Ссудалар бўйича зарарларни қоплаш учун умумий захира;
- Тижорат банклари бўйича зарарларни қоплаш учун захира;
- Ўз маблағларининг умумий суммаси;
- Маъмурий ва операцион харажатлар;
- Пул ва кредит инвестициялари;
- Пул маблағлари, ссуда ва инвестициялар қолдиғи.

Ушбу кўрсатиб ўтилган етита кўрсаткичнинг иккитаси захираларга тегишли бўлиб, улар банк кредит портфелининг сифатини акс эттиради.

⁷ Седова И. Анализ финансового состояния отдельных кредитных организаций, банковской системы в целом и совершенствование методики анализа. Аналитический банковский журнал. 2000, №2.

Заҳиралар кредит ташкилотларини категориялар ва тасниф гуруҳларига киритиш жараёнида уларнинг молиявий аҳволини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Заҳираларни шакллантиришнинг муҳимлиги шундаки, банклар ҳали ссуда олувчининг тўлов қобилиятини баҳолаш тўғрисида ахборот тўплаш борасида режа асосида иш олиб боришни ўрганганларича йўқ, миждозларнинг тарихи ва уларга доир ҳужжатлар тўпламини муфассал ўрганмайдилар.

Заҳиралар тижорат банкларининг фойдасини сезиларли даражада камайтиради, чунки заҳираларнинг ортиши билан банкнинг солиққа тортиладиган фойдаси ҳажми камаяди. Баъзи муаллифларнинг фикрига кўра, агар банкларга солиққа тортилгунга қадар харажатларга киритилувчи, заҳирадаги кредитлар бўйича умидсиз қарзларни қоплаш учун қўшимча маблағлар ундиришга рухсат берилса, у ҳолда бу уларни даромад, фойда, капитал ҳажми тўғрисида анча ишончли ва тўғри маълумотларни беришга мажбур қилиб қўяди.

Заҳира нафақат умидсиз ссудалар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади, шу билан бирга келажакдаги хатарларни, масалан, субстандарт ссудаларнинг маълум қисми келажакда умидсиз ссудаларга айланади ва заҳирани ташкил этишда бу ўзгариш жараёни ҳисобга олинади. Бироқ бу келажакда юз беради ва заҳирада турли даврлар, ҳаттоки айнан қайси эканлиги ноаниқ бўлган ноўрин хатарлар жамланади. Бундай ҳолат, табиийки, заҳира талабларининг ошишига олиб келади.

Заҳиралар тижорат банкларининг кредит бериш ҳажмига таъсир этиши мумкин. Уларнинг ноўрин ёки асоссиз ўсиши кредит фаолияти соҳасидаги фаолликнинг пасайишига олиб келиши мумкин.

Менежмент нуқтаи назаридан молиявий хатар ва рискларни бошқариш механизмларининг моҳиятини таҳлил этишда И.А.Бланк томонидан хатарнинг олдини олиш, лимитлаш, хатарларни концентрациялаш, нарх ўзгариши хатарларида суғурталаниш (хеджинг),

диверсификация, хатарларни тақсимлаш ва ўзини ҳимоялаш чоралари каби методлар алоҳида кўрсатиб ўтилади⁸. Бунда хатарларни бартараф этиш (ўзини ҳимоялаш) йўналиши банк томонидан захираларнинг маълум қисмини захирага қўйишга асосланган бўлиб, бу захиралар банк фаолияти билан боғлиқ салбий оқибатларни енгиб ўтишга имкон беради.

1.2. Тижорат банкларида махсус захираларни шакллантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари

Мамлакатимиз тижорат банкларида кредитларни таснифлаш ва муаммоли кредитларга захира ташкил этиш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади. Унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, булар Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, Ўзбекистон Республикаси “Марказий банки тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун, “Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида”ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қатор меъёрий ҳужжатларида ўз аксини топган.

Тижорат банкларида ташкил этиладиган ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захиралар банкнинг харажатларига олиб борилади, яъни уни ташкил этиш манбаси банк харажатлари ҳисобланади. Бизга маълумки, солиқ тўловчининг харажатлари солиқ солинадиган фойдани аниқлаш пайтида чегириб ташланади. Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси махсус қисмининг 5-бўлими “Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи”нинг “Бошқа харажатлар” моддасининг зарарлар ва йўқотишлар қисмида умидсиз қарздорликни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар, бундан шубҳали қарзлар бўйича ташкил этилган захира ҳисобига ҳисобдан чиқариш мустасно⁹, деб айтиб ўтилган. Ушбу Кодексга

⁸ Бланк И.А. Финансовый менеджмент. Учебный курс. Ника-центр, 1999.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, 145-модда

асосан умидсиз қарзга қуйидагича таъриф берилган: умидсиз қарз - суд қарорига биноан мажбуриятларнинг тугатилиши, қарздорнинг банкротлиги, тугатилиши ёки вафот этиши оқибатида ёхуд даъво қилиш муддати ўтиши оқибатида узиш мумкин бўлмаган қарз.

Илгари чегирилган харажатлар ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзида олинадиган даромадлар моддасида эса захираларни ташкил этиш харажатлари солиқ солинадиган базани аниқлашда илгари чегириб ташланган шубҳали қарзлар (тавақалчилик операциялари) бўйича захиралар қисқарган ҳолларда, уларнинг қисқариш суммаси бошқа даромадлар таркибида ҳисобга олинади ёки бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ харажатларни камайтиради¹⁰, деб таъкидлаб ўтилган.

Ҳисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлари моддасида эса шубҳали қарзлар бўйича захира ташкил этиш учун қилинган харажатлар умидсиз деб эътироф этилган қарздорликни ҳисобдан чиқарилаётганда, ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган умидсиз қарздорлик миқдоридан ошмайдиган суммада чегириб ташланиши¹¹ кўзда тутилган.

Бундан ташқари кредит ташкилотларининг чегириладиган харажатларини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятларида юқоридагилардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган нормалар доирасида тавақалчилик операциялари бўйича захираларга ажратмалар ҳам чегириладиган харажатлар таркибига киради¹².

Банкларда ташкил этиладиган захиралар бухгалтерия ҳисобининг объекти бўлади, яъни “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида шундай дейилган: Асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, зарарлар

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, 138-модда

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, 146-модда

¹² Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, 149-модда

хамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари жамлама ҳисобварақларда акс эттирилади. Аналитик ҳисобни юритиш тартиби бухгалтерия ҳисоби субъекти томонидан мустақил равишда белгиланади.¹³

Бозор иқтисодиёти шароитида банклар турли хил мулкчилик шаклларига асосланган ҳолда ташкил этилади ва ўз фаолиятини амалга оширади. Тижорат банклари мулкчилик шаклидан катъий назар уларнинг асосий мақсади юқори даромад олишга қаратилган. Тижорат банклари ўз фаолиятини асосан жалб қилинган, яъни юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш турган пул маблағлари эвазига амалга оширади. Жаҳон амалиётида банкларнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари нисбати 20 ва 80 фоизни ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, банкнинг асосий ресурслари жалб қилинган, яъни мижозларнинг талаб қилиб олингунча, муддатли ва жамғарма депозитларидан иборат. Мижозлар манфаатини ҳимоя қилиш, банк тизимига бўлган ишончни ошириш эса бирламчи масала ҳисобланади. Бунда бевосита Марказий банк ва унинг тижорат банклари устидан назоратига эҳтиёж сезилади.

1995 йил 21 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида” ги Қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси “Марказий банки тўғрисида” ги Қонуннинг Марказий банкнинг назорат вазифаларини бажаришга доир ваколатлари моддасида Марказий банк тижорат банк активлари сифатини тасниф қилиш ва активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар ўрнини қоплаш учун шунга монанд резервлар яратишга доир талабларни белгилаш, ишончсиз активларни ҳисобдан чиқариш шартлари ва таомилини аниқлаш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилади.¹⁴

Мазкур Қонуннинг 52-моддасида Марказий банк банклар учун мажбурий бўлган иқтисодий нормативларни ўрнатилиши келтирилган.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонун, 1996 йил 30 август, 4-модда

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги Қонун, 1995 йил 21 декабрь, 51-модда.

Унга асосан активларни таснифлаш ва баҳолашга доир талабларни, шунингдек бундай таснифлар асосида банкнинг операция харажатлари жумласига киритиладиган чегирмалардан шубҳали ва ҳаракатсиз қарзларга қарши ташкил этиладиган заҳираларни шакллантиришни тижорат банкларига мажбурий норма сифатида белгилайди.

Тижорат банклари фаолият кўрсатишининг энг асосий ҳужжатларидан бири бу 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун ҳисобланади. Ушбу Қонун банкларни ташкил этиш ва тугатиш, банк фаолиятини тартибга солиш, банкларга васийлик қилиш, миждозлар манфаатини ҳимоя қилиш, банк ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда банларни назорат қилишни ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Жумладан, банкларнинг умумий иқтисодий нормативларга риоя қилиш соҳасидаги бурчлари борасида банкларнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банклар Марказий банк томонидан белгиланадиган иқтисодий нормативларга риоя этишлари шарт эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Банклар ўз капитали ва ликвид ресурсларини етарли даражада сақлаб туришлари, активларни таснифлаш асосида шубҳали ва ҳаракатсиз активларга қарши заҳираларни ташкил этишлари шарт, шунингдек, зарар кўриш хавфини камайтириш мақсадида ўз активлари диверсификацияланишини таъминлашлари лозим.¹⁵

Банклар фаолияти доимий тарзда Марказий банк, ички назорат, банк аудит бўлими ва бошқа тегишли ташкилотлар томонидан назорат қилиб борилади. Бир йилда бир марта ташқи аудитдан ўтиш мажбурий қилиб белгиланган. Банкларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик текширишларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлар томонидан ҳар йили текшириб турилиши лозим.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун, 1996 йил 25 апрель, 25-модда

Аудит, хусусан, капиталнинг етарлилигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича зарарларни қоплаш, таваккалчиликни ва ликвидликни ўлчашни ўз ичига олади. Банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ ички аудиторлик дастурларини ишлаб чиқаришлари ва амалга оширишлари ҳам шарт¹⁶.

Мазкур қонун кучга киргандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1996 йил 20 июлда 242-сонли “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби” ишлаб чиқилди. Ушбу тартибда қуйидагилар кўрсатилган эди:

1. умумий қоидалар;
2. кредитларни таснифлаш тизими;
3. ссудалар бўйича йўқотишларга қарши захирани шакллантириш тартиби;
4. ссудалар бўйича йўқотишларга қарши захирани ишлатилиш тартиби.

Бунда кредитлар ва улар бўйича ташкил этилган захира эски ҳисобварақлар режаси асосида ишланган эди, яъни ҳисобварақлар режаси режали иқтисодиётга мослашган эди.

1994 йилдан бошлаб янги бухгалтерия ҳисоби тизимини ишлаб чиқиш ва уларни банкларга татбиқ қилиш жараёни бошланди. 1996 йилда Республика Президентининг «Банк аудити тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида асосан банк тизимида бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларини жорий қилиш жараёни янада такомиллаштирилди ва жаҳоннинг нуфузли аудиторлик компанияларидан «Артур Андерсен», «Делойт энд туш», «Ки Пи Эм Жи-

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун, 1996 йил 25 апрель, 43-модда

(KPMG)», «Эрнест энд Янг», «Куперс энд Лайбранд» кабилар етакчи тижорат банклари фаолиятини аудит қилишга таклиф қилинди¹⁷. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасининг халқаро талабларга мослаштирилган варианты ишлаб чиқилди ва 1997 йил 1 мартдан бошлаб амалиётга жорий қилинди.

1997 йил 1 мартдан бошлаб банкларимиз янги ҳисобварақлар тизимига ўтгани муносабат билан активларни таснифлаш, уларга захира яратиш, яратилган захираларни ҳисобини олиб боришнинг янги тизимига мослашган тартибига муҳтожлик сезилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 9 ноябрда 242-сонли “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби” ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 1999 йил 11 февралда 632-сон билан рўйхатга олинди. Мазкур тартиб олдинги тартибнинг тўлдирилган ва янгиликлар, қулайликлар ҳамда аниқликлар киритилган варианты ҳисобланади. Ушбу тартибда асосан қуйидагилар кўриб чиқилган эди:

1. умумий қоидалар;
2. активларни таснифлаш тизими;
3. таъминотга қўйилган талаблар;
4. реструктуризация қилинган кредитларни таснифлаш;
5. эҳтимолий йўқотишларга доир захирани шакллантириш тартиби;
6. активлар бўйича эҳтимолий зарарларни қоплаш захираларидан фойдаланиш тартиби.

Янги тартибни олдингисидан асосий фарқлари бунда иқтисодий терминларга ойдинлик киритилди, захира яратиш қоидалари мустаҳкамланди, кредитларни таснифлашдан активларни таснифлашга

¹⁷ Норқобилов С., Сагтаров О. “Банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари”. Т., 49 б.

ўтилди, таъминотга қўйилган талаблар киритилди, реструктуризация қилинган кредитларни таснифлашнинг ўзига хос жиҳатлари инобатга олиниб, уларни таснифлаш тизими кўрсатилди, мезонлари аниқлаштирилди.

Илк марта қуйидаги тушунчалардан фойдаланилди ҳамда таърифлари келтирилди:

Ссудалар (активлар) бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захира - банк кредит портфели (ёки активлари) ва балансдан ташқари мажбуриятларда юзага келиши мумкин бўлган ёки мавжуд зарарларни қоплаш учун қиймат суммасини ўзида акс эттирадиган банкнинг барча кредитлари (ёки бошқа актив ҳисобварақлари) бўйича зарарларни қоплаш учун ташкил этилган захиралар контр-актив ҳисобварағидир.

Махсус захира - “стандарт”, “субстандарт”, “шубҳали” ва “умидсиз” деб таснифланган кредитлар ва лизинг ёки бошқа алоҳида муайян активлар бўйича юзага келиш мумкин бўлган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира.

Умумий захира - бу захира банк фаолияти бўйича умуман ёки бирор-бир фаолият тури (кредитлаш, инвестициялаш ва б.) бўйича юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун мўлжалланган. Алоҳида муайян операцияларга доир зарарлар бундан мустасно. “Яхши” кредитлар бўйича йўқотишларга қарши ёки миллий валюта девальвацияси бўйича захиралар бунга мисол бўла олади.

Муддати ўтган ссудалар - қарздор томонидан кредит шартномасида кўзда тутилган тўлаш шартлари ва жадвали бузилган ҳамда асосий қарз ва унга доир фоизларнинг навбатдаги тўлови тўлов муддати етиб келганидан сўнг тўланмаган кредитлар.

Реструктуризация қилинган ссудалар - қарздорнинг молиявий аҳволи ёмонлашиши сабабли тўловнинг дастлабки шартлари ўзгарган ссудалар. Агарда банк томонидан қуйидаги амалларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси бажарилса, ссуда реструктуризацияланган ҳисобланади:

- фоиз ставкасининг камайтирилиши ёки ҳисобланган фоизларнинг ундириб олинмаслиги;

- жами асосий қарзнинг камайтирилиши ёки ундан воз кечилиши ;

- кредитни тўлаш муддатининг кечиктирилиши ёки узайтирилиши ;

- фоизларга доир тўловларнинг бир қисми ёки умумий миқдоридан воз кечиш;

- оддий шароитларда қарздорга берилмай, балки кредитни реструктуризациялаш зарурлиги натижасида қилиниши мумкин бўлган бошқа ён беришлар.

Янги бозорга доир (имтиёзли) фоиз ставкалари - янги ссуда дастлабки ёки янги қарздорга пасайтирилган фоиз ставкаларида берилаётганда қўлланилади. Бундай ссудалар корхоналарга ҳукумат қарорларига кўра берилиши мумкин. Шунингдек улар қарздор томонидан ссуда тўланмаслиги оқибатида банк томонидан ҳуқуқлар олинган қарздорнинг активлари (гаров)ни сотиш учун ҳам берилиши мумкин. Пасайтирилган фоиз ставкали янги ссудалар учун фоиз ставкаси қайтарилиши айнан шундай таваккалчиликка хос кредитларга доир кредитлашнинг фоиз ставкасидан паст бўлмаслиги лозим.

Ўстирилмайдиган кредитлар (активлар) - белгиланган тартибга мувофиқ фоизлар ҳисобланиши тўхтатиладиган кредитлар (активлар).

Яхши таъминланган кредитлар - қимматли қоғозлар бозорида баҳоланадиган мулк ёки кредитнинг асосий суммаси ва унга доир фоизларни тўлиқ қоплаш имконини берадиган миқдорда банк депозитлари кўринишидаги гаров билан таъминланган кредитлар.

Қисман таъминланган кредитлар - “яхши таъминланган кредитлар” мезонига мувофиқ келмайдиган таъминот. Хусусан, уларга доир тақдим этилган гаров қиймати кредит суммаси ва унга доир фоизларнинг 100 фоизидан, шунингдек, гаровни сотишда кўзда тутилаётган харажатлардан кам (эълон қилинган гаров қийматидан қатъий назар) ёки эълон қилинган қиймат бўйича гаровнинг сотилиши шубҳа туғдирадиган кредитлар.

Таъминланмаган кредитлар - бирор-бир таъминотсиз берилган ссудалар. Одатда бундай ссудалар қарздорнинг кучли тушумлари потенциали ёки унинг яхши кредит тарихи асосида берилади. “Таъминланмаган кредитлар”га гаров белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган кредитлар ҳам киради.

Бунда биринчи марта кредитларни таснифлаш тизими мезонлари келтирилди, банк активларини таснифлаш бўйича аниқликлар киритилди ва уларга захира нормалари ўрнатилди.

Мамлакатимиз молия-банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг барқарорлигини ошириш, банклар фаолиятини ва бутун молия-банк тизимини баҳолаш ёндашуви ва тизимларини тубдан ўзгартириш, банк фаолиятини ташкил этилишини умум қабул қилинган халқаро меъёр, андоза ва баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ янада юқори даражага кўтаришни таъминлаш мақсадида 2010 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан молия-банк фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, замон талаблари ва халқаро нормалар ҳамда стандартларга мувофиқ ҳолда амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш, шунингдек кредитлар бўйича муаммоли қарзларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймаслик борасида олдини олиш чораларини кўриш йўли билан тижорат банкларининг кредит портфели муттасил ўсиши ҳамда сифати яхшиланишини таъминлаш республиканинг молия-банк тизимини ислоҳ қилиш ва барқарорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

2011-2015 йилларда республика банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг

кўрсаткичларига эришиш бўйича чора-тадбирлар мажмуасининг тижорат банклари активларини, шу жумладан кредит портфелларини янада ўсишини ва сифатини яхшилашни таъминлаш, таваккалчиликни баҳолаш тизимини такомиллаштириш мақсадида банк таваккалчиликларини бошқаришда чуқур омилли таҳлилни амалга оширишнинг аниқ механизмни жорий қилиш, захираларни шакллантириш, кредит портфелини диверсификациялашларни кўзда тутган ҳолда банклар активлари сифати мониторингини такомиллаштириш, шунингдек муаммоли қарздорлик пайдо бўлишига йўл қўймаслик юзасидан огоҳлантирувчи чоралар қабул қилиш белгиланган эди.

Мазкур вазифа ижросини таъминлаш мақсадида 2011 йил 10 сентябрда Марказий банк Бошқарувининг «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартибига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 26/1-сонли қарори қабул қилинди.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МАХСУС ЗАХИРАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Ўзбекистон тижорат банкларида активлар бўйича махсус захираларни шакллантириш ва уларни баҳолаш мезонлари

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз тижорат банкларида кредитларни таснифлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 11.02.1999 йилда №632-сон билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 09.11.1998 й. № 242-сон билан тасдиқланган “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби”га мувофиқ олиб борилади.

Мазкур Тартибга мувофиқ барча тижорат банклари ўз активларини таснифлаш ҳамда шубҳали ва ҳаракатсиз активлар бўйича юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун етарли бўлган захирани ташкил этиши шарт.

Активларни таснифлаш тизими барча турдаги кредитлар, жумладан, банк кафолатлари, кредит линиялари, банклараро кредитлар, овердрафтлар учун қўлланилади ва баланسدан ташқари мажбуриятларни таснифлашни кўзда тутди. Бундан ташқари, ушбу тизим орқали бошқа банк активлари, жумладан, инвестициялар, қимматли қоғозлар олди-сотдиси, олишга доир ҳисобварақлар, учинчи шахслар номидан мажбуриятларни бажариш бўйича сотиб олинган талаб қилиш ҳуқуқи ва қайтарилмаслик хатари мавжуд бўлган бошқа активларни баҳолашда ҳам қўлланилиши мумкин.

Кредитни таснифлаш тизими қуйидаги мезонлар бўйича қарздорни баҳолашдан бошланади:

- тенденция ва тармоқ (иқтисодий сектор) келажаги;
- қарздорнинг молиявий аҳволи;

- мижознинг кредит тарихи;
- муайян лойиҳанинг иқтисодий жиҳатдан асосланиши (низоми);
- корхонадаги раҳбарлик ва бошқариш сифати (агар кредит корхонага берилса).

Кредит таҳлили ва активлар таснифи натижалари қарз олувчининг молиявий аҳволи, кредитларни тўлаш тарихи ва тегишли тарзда расмийлаштирилган гаровнинг мавжудлиги каби омилларга боғлиқ. Ушбу омилларни кредит портфели ва тижорат банкининг бошқа активларига хос бўлган таваккалчиликни аниқлаш ва баҳолашда қўллаш жуда муҳимдир.

Мамлакатимизда банк активлари қуйидаги тартибда ва тоифалар бўйича таснифланади:

1. Яхши кредитлар. Ушбу активлар бўйича қарзларнинг ўз муддатида тўланиши шубҳа туғдирмайди. Қарз олувчи молиявий жиҳатдан барқарор ҳисобланади, у етарли миқдорда капиталга, юқори даромадлилик даражасига ҳамда барча мавжуд мажбуриятлар, жумладан, мазкур қарзни қондириш учун етарли пул маблағлари оқимиغا эга. Қарз олувчи амалда бажариладиган, жумладан, бозорда рақобатлаша олиш, яхши маҳсулот ишлаб чиқаришга доир стратегик режани тақдим этади ва ўз маҳсулотлари учун маркетинг режасига эга бўлади. Қарздор мавқеини баҳолаш кредитга доир тўловлар тарихи, гаровнинг бозорда сотилиши (мулк ва кўчмас мулк, кафолат) каби омилларни ўз ичига қамраб олади. Гаров "яхши таъминланган" кредит мезонларига мос келади. Гаров амалдаги қонунчиликка мувофиқ нотариал жиҳатдан пухта тасдиқланган бўлиши ва зарур ҳолларда тегишли мулк битимини рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатга олиниши лозим. Банк кредит қайтарилмаган ҳолда чекловларсиз ва эркин равишда уни гаров ҳисобидан ундириб олиши мумкин. Таъминотга доир тақдим этилаётган барча ҳужжатлар қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилиши керак.

"Яхши" деб таснифланган кредитларда улар қайтарилмаслиги аломатлари бўлмайди. Фоизлар муддати ўтган ссудалар "Яхши" деб таснифланиши мумкин эмас. Ушбу кредитлар бўйича захира ташкил этиш талаб этилмайди, лекин жаҳон амалиётида мазкур кредитларга нисбатан 1-3 фоиз миқдорида захира ташкил этилади.

2. Стандарт кредитлар. Стандарт тоифага киритилган активлар берилишида иккиламчи тўлов манбаси (кафолат ёки гаров билан) пухта таъминланган бўлиши лозим. Умуман олганда қарздорнинг молиявий аҳволи барқарор ҳисобланади, лекин айрим ноқулай вазиятлар ёки йўналишлар мавжуд бўлиб, агарда улар бартараф этилмаса, қарздорнинг кредитни ўз вақтида тўлаш қобилиятига нисбатан шубҳа уйғониши мумкин. Шу билан бирга молиявий аҳвол ёки гаровни назорат қилиш борасида бир мунча шубҳалар бўлиши мумкин. Кредит ҳужжатларида етарлича ахборот бўлмаган ёки гаров таъминоти бўйича ҳужжатлари бўлмаган "Яхши" кредитлар (активлар) ҳам "Стандарт" активлар сифатида таснифланиши мумкин. Тўланмаган фоизлари янги кредитга айланадиган (капиталлаштириладиган) кредит ҳеч бўлмаганда "Стандарт" актив сифатида таснифланиши зарур. "Стандарт" сифатида таснифланган активлар бўйича банк қайтарилмаган асосий қарз суммасининг 10 фоизи миқдорида захиралар тузиши шарт.

3. Субстандарт кредитлар. Субстандарт активлар аниқ ифодаланган камчиликлар белгиларига эга бўлиб, бу ҳолат дастлабки шартномага мувофиқ қарз қайтарилиши шартларининг бажарилишига шубҳа уйғотади. "Субстандарт" сифатида таснифланган кредитларда қарз тўлашнинг дастлабки манбаи қарзга хизмат кўрсатиш учун етарли даражада бўлмайди ва банк қарзни қайтариш учун қўшимча манбалар (гаровдан ундириш ва қарздор томонидан ссуда қайтарилмаганда гаровни сотиш, асосий фондларни сотиш сингари манбалар)ни қидиришга мажбур бўлади, Шунингдек субстандарт активлар ишончли жорий молиявий аҳвол ва қарз олувчининг тўлов қобилияти билан ҳимояланмаган. Субстандарт активлар

одатдагига нисбатан қониқарли жорий молиявий ахборотнинг йўқлиги ёки гаров ҳужжатларининг етарли эмаслиги билан боғлиқ бўлган таваккалчилик даражаси анча юқори бўлган кредитларни ифодалайди.

Шунингдек қуйидаги муаммо ёки хусусиятлардан камида биттаси мавжуд бўлса, актив тўлов муддати тўлгунича субстандарт сифатида таснифланиши мумкин:

а) асосий тўлов манбалари қарз тўлаш учун етарли эмас, банк гаровга қўйилган мулкни сотиш, қарз олувчининг бошқа асосий маблағларини сотиш, тўланиши лозим бўлган бошқа қарз маблағларини қайта молиялаш кабиларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча тўлов манбаларини топиши керак;

б) қарз олувчининг жорий молиявий ҳолати ёки унинг пул маблағларининг мўлжалланаётган оқими мажбуриятларни қоплаш учун етарли бўлмаган ҳолларда;

в) қарз олувчи капитали кўп даражада етарли бўлмаган корхона бўлган тақдирда;

г) ушбу соҳага нисбатан йўналиш ва истиқболлар барқарор бўлмаган ҳолда;

д) кредитлар (активлар), гаров қиймати асосий қарз суммасидан ошмаган, ҳеч бўлмаганда асосий қарзнинг тўланмаган суммасига тенг бўлган ҳолда (яъни кредит қисман таъминланган бўлса).

"Субстандарт" сифатида таснифланган активлар бўйича банк асосий қарзнинг тўланмаган суммасининг 25 фоизига тенг бўлган захираларни шакллантириши лозим.

4. Шубҳали кредитлар субстандарт деб таснифланувчи кредитларга хос барча хусусиятларга эга бўлиб, мавжуд шароитда активларнинг тўлиқ қайтарилишини шубҳа остига қўяди ва кам ишончли қилиб қўяди. Зиён кўриш эҳтимоли юқори бўлган, лекин айрим ижобий омиллари мавжуд бўлган ушбу кредитлар шароит ойдинлашгунча "шубҳали" деб таснифланмайди.

Қуйидаги омилларнинг камида биттаси мавжуд бўлса, актив "шубҳали" деб, таснифланиши мумкин:

а) "субстандарт" активларнинг ҳеч бўлмаганда биронта кўрсаткичи, шунингдек айрим бошқа ноқулай тавсифлари мавжуд бўлса (бозорда осон сотилувчан гаровнинг мавжудлиги ёки қарз олувчининг банкрот деб эълон қилиниши);

б) яқин келажакда активнинг қисман тўланиши эҳтимолининг мавжудлиги, шунингдек ушбу пайтда активнинг "умидсиз" деб таснифланиши зарур эмаслиги.

Активни "умидсиз" деб таснифлашга имкон берувчи муҳим омилларга қуйидагилар киради:

- банк активлар бўйича айрим тўлов турларини ёки ҳеч бўлмаганда, қисман тўловларни олади;

- банк гаровни ундириб олиш бўйича ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни қўллай бошлайди ва таъминот сотувини ўз вақтида амалга оширади (90 кун ичида);

- қарздор томонидан кейинчалик активни тўлиқ таъминлайдиган қўшимча таъминотни тақдим этиш ҳаракатларининг амалда бошланиши.

"Шубҳали" деб таснифланган активлар бўйича банк асосий қарз тўланмаган суммасининг 50 фоизи миқдорида захирани ташкил этиши шарт.

5. Умидсиз деб таснифланган кредитларга қайтарилмайдиган кредитлар киради. Қиймати жуда пастлиги туфайли банк активлари сифатида уларнинг ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобланади. Бундай таснифлаш кредитларда умуман ҳеч қандай тугатиладиган қиймат мавжуд эмаслигини билдирмайди. Лекин банклар ўз балансларида бу қарздорликнинг ҳисобини юритишни давом эттиришлари мақсадга мувофиқ эмас. Банк гаровга олинган мулкни сотиш орқали бундай қарздорликни бартараф этиш чораларини кўриши ёки уни қайтариш чораларини қўллаши керак.

Юқорида кўрсатилган давр мобайнида актив қайтарилмаслигидан далолат берувчи фактлар ва белгилар мавжуд бўлса, ушбу актив "умидсиз", деб таснифланиши мумкин.

Умидсиз деб таснифланган активлар бўйича банк асосий қарзнинг тўланмаган суммасининг 100 фоизи миқдоридан захиралар яратиши керак.

Актив бир тоифадан ортиқ тоифаларда таснифланиши мумкин. Суммаси асосий қарзнинг тўланмаган қийматидан кам бўлган таъминотга эга муаммоли ссуда қуйидагича таснифланиши мумкин (таъминот сотилиши мумкин бўлган бозор мавжудлиги шarti билан):

- қиймати таъминотнинг бозор қийматига тенг бўлган асосий қарз қисми одатда субстандарт сифатида таснифланади;

- асосий қарзнинг қолган қисми ушбу бўлимда кўрсатилган тартибда шубҳали ёки умидсиз каби таснифланади.

Бизга маълумки, кредитнинг таъминланганлик тамойили асосий тамойиллардан бири бўлиб, кредит иқтисодий категориясини ўзига хослигини англатади. Кредитларнинг таъминланганлиги одатда 2 хил, яъни бирламчи ва иккиламчи таъминотга ажратилади. Бундай ажратилишнинг асосий фарқи ҳаражатларга бориб тақалади. Бирламчи таъминотда ҳаражат деярли бўлмайди, уни расмийлаштиришга кўп вақт сарф этилмайди. Иккиламчи таъминот(гаров, кафолат, кафиллик) эса бевосита ҳаражатларга бориб тақалади ва уни расмийлаштиришда анча вақт сарф бўлади. Иккиламчи таъминотнинг энг кўп тарқалган тури бу гаровдир.

Кредитлар (активлар) бўйича таъминот ҳисобланувчи гаров банк томонидан кредитни қоплашнинг асосий манбаи деб, ҳисобланмаслиги керак. Гаров кредитни тўлашнинг иккиламчи манбаи деб қаралиши керак.

Хавфсиз ва ишончли фаолият андозаларига мувофиқ тарзда банклар гаровни кредитни қайтаришнинг воситаси, деб ҳисоблаган ҳолда кредит бермасликлари керак. Кредит (актив) бўйича олинган гаровни таҳлил қилишда банк гаровнинг ликвидлигини эътиборга олиши керак. Шунга

мувофиқ равишда банк асосий қарз суммаларининг қайтарилишини ва гаровни сотишдан олинadиган фоизларни баҳолаши керак.

Кредит учун тақдим этилаётган таъминот тури авваломбор, юқори ликвидли бўлиши керак, яъни минимал вақт давомида деярли йўқотишларсиз сотилиши керак.

Активларнинг ликвидли таъминотиға қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг сўзсиз кафолати;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сўзсиз кафолати;
- банкларда очилган ҳисобварақларда эркин айирбошланадиган валюта шаклидаги гаров;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қимматли қоғозлари шаклидаги гаров;
- андозавий қимматбаҳо металлар шаклидаги, яъни олтин ва кумуш куймалари шаклидаги гаров.

Қуйидаги активлар ноликвид таъминотга эға, деб ҳисобланади, яъни:

- кўчмас мулк, ўзлаштирилган ва ўзлаштирилмаган ерга бўлган ҳуқуқни ҳисобға олган ҳолда;
- кўчма мулк;
- хусусий корхоналарнинг қимматли қоғозлари;
- юридик ва хусусий шахсларнинг кафолатлари.

Реструктуризация қилинган кредитларни таснифлашда ўзига хос айрим хусусиятлар мавжуд. Реструктуризация қилинган кредит деб муайян муаммолари бор активларға айтилади.

Реструктуризация қилинган ссудалар - қарздорнинг молиявий аҳволи ёмонлашиши сабабли тўловнинг дастлабки шартлари ўзгарган ссудалардир. Агарда банк томонидан қуйидаги амалларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси бажарилса, ссуда реструктуризацияланган ҳисобланади:

- фоиз ставкасининг камайтирилиши ёки ҳисобланган фоизларнинг ундириб олинмаслиги;

- жами асосий қарзнинг камайтирилиши ёки ундан воз кечилиши;
- кредитни тўлаш муддатининг кечиктирилиши ёки узайтирилиши;
- фоизларга доир тўловларнинг бир қисми ёки умумий миқдоридан воз кечиш;

- оддий шароитларда қарздорга берилмай, балки кредитни реструктуризациялаш зарурлиги натижасида қилиниши мумкин бўлган бошқа ён беришлар.

Реструктуризация қилинган кредит, деб таснифлашда қуйидаги омиллар кўриб чиқилиши керак:

- реструктуризация қилишнинг асослари ёки сабаблари;
- бир қарз олувчига қарзни қайтариш муддатининг неча марта узайтирилганлиги;

- дастлабки битим шартларига нисбатан янги кредит битимида келтирилган кредит шартларидаги ўзига хос ўзгартиришлар. Хусусан, фоиз ставкасининг бозор ставкаси даражасидан пасайиши ёки ссудани қайтариш муддатининг узайтирилиши реструктуризация қилинган ссудани таснифлаш ва таҳлил қилиш жараёнида таҳлил ва кўриб чиқиш учун муҳим сабаб ҳисобланиши мумкин.

Шу билан биргаликда уларни таснифлашда қуйидаги омиллар кўриб чиқилади:

- агар реструктуризация қилинган кредит бўйича алмашувчи ёки қўшимча қарздор дастлабки қарздорнинг шўъба корхонаси ёки унга қарам корхона бўлса (яъни бошқа шўъба корхона ҳам айти шу асосий корхонага тегишли бўлса), бунда кредитларнинг дастлабки таснифи ўзгармаслиги керак. Қарз берувчи томонидан қарзга доир хизмат кўрсатилиши таснифлашнинг ўзгартирилишини талаб этувчи ҳоллар бундан мустасно;

- активларнинг ноқулай таснифланиши алмашувчи ёки қўшимча қарздор таъминот сифатида ликвид активларни таклиф этишга лаёқатли бўлган тақдирда ўзгариши мумкин. Агар янги қарздор асосий қарзнинг барча тўланмаган суммаларини ёки асосий қарз ёки фоизларнинг қисмини

тўлашга лаёқатли бўлса, бундай ҳолда активнинг таснифи тегишли тарзда қайта кўриб чиқилиши мумкин. Эҳтимолий ўзгаришларни қоплашга мўлжалланган захирада ликвид активларнинг муайян суммаси таъминот сифатида тақдим этилган ҳолда ўзгартирилиши мумкин;

- агар алмашувчи ёки қўшимча қарздорнинг дастлабки қарздор билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаса, бундай ҳолда ссудани таснифлаш мезонлари алмашувчи ёки қўшимча қарздорга нисбатан қўлланилади. Бу ҳол қарздорнинг бизнесни нормал юритиш шароитида активларни тўлай олиш лаёқатига мувофиқ тарзда амалга оширилади.

Активлар таснифи даврий равишда қайта кўриб чиқилиши керак ва зарур ҳолларда, активлар ҳар бир қайта таснифлашда алмашувчи ва қўшимча қарздорга қарз бўйича хизмат кўрсатишда қайта таснифланиши лозим.

Активлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захирасининг адекватлиги таҳлили ва зарур ҳолларда қўшимча захираларнинг яратилиши даврий равишда амалга оширилиб борилади.

Белгиланган меъёрларга мувофиқ яратилган резервга нисбатан актив бўйича эҳтимолий йўқотишлар миқдорининг ошиб кетиши мумкинлигидан далолат берувчи фактлар ва шароитлар аниқланган ҳолда резервга эҳтимолий йўқотишларга нисбатан йирик ажратмалар амалга оширилиши керак.

Умидсиз деб таснифланган кредитлар (активлар) ҳисобдан чиқарилиши ва тегишли захиралар дарҳол камайтирилиши керак. Харажатлар улар тан олинган даврда ҳисобдан чиқарилиши керак.

Активнинг ҳисобдан чиқарилиши ссуда қисман ёки тўлиқ қайтарилиши мумкинлигини инкор этмайди.

Агар ссуда (актив) нотўғри таснифланган бўлса, қўшимча кредитлаш ва банкнинг эҳтимолий йўқотишлари билан боғлиқ бўлган таваккалчиликнинг батафсил таҳлилисиз на жорий кредит бўйича қўшимча ресурслар шаклида, на янги кредит шаклида банк қарздорга қўшимча

маблағлар бериши мумкин эмас. Бироқ, банк банкдаги депозит ёки банк назорати остидаги ссуда (активни) яхши таъминловчи бошқа гаров билан таъминланган қўшимча кредит берган тақдирда янги ссуда бошқа кредитлар нотўғри таснифланган ҳолларда ҳам "яхши" деб таснифланиши мумкин.

Марказий банк муайян ссудаларнинг янада катъийроқ таснифланишини ёки қуйида келтирилган ноқулай фактлар ва ҳолларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлса, юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун мўлжалланган захирага қўшимча чегирмаларни ажратишни талаб қилиши мумкин:

- банк кредит портфели умумий ҳолатининг ёмонлашуви;
- кредитлар бериш адекват банк тадбирларининг ўзгариши ёки йўқлиги;
- шунга ўхшаш ссудалар, масалан, ушбу соҳага берилган бўйича банк кўрган амалдаги зарарлар;
- банк раҳбариятининг муаммоли ссудаларни ундиришга ноқобиллиги;
- йирик ссудаларнинг тўпланиши;
- номақбул иқтисодий йўналиш ва шароитлар, хусусан, қарздорларнинг бир ёки бир неча саноат тармоқлари ёки жуғрофий минтақада катта миқдорда тўпланиши;
- тақдим этилган банк ҳисоботини таҳлил қилиш ёки Марказий банк назоратчилари томонидан ўтказилган қарздорнинг ёхуд банкнинг ўзининг молиявий аҳволига тааллуқли инспекциялар натижасида аниқланган бошқа ҳолатлар.

Тижорат банкларида активлар доимий тарзда назорат қилиб борилади, уларнинг сифати текширилиб, мунтазам равишда таснифланади. Муаммоли кредитлар пайдо бўлганда уларга захира ташкил этилади. Банкларда захиралар одатда 2 хил, яъни махсус захиралар ва умумий захиралар шакллантирилади.

Махсус захира - "стандарт", "субстандарт", "шубҳали" ва "умидсиз" деб таснифланган кредитлар ва лизинг ёки бошқа алоҳида муайян активлар бўйича юзага келиш мумкин бўлган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ҳисобланади.

Умумий захира - бу захира банк фаолияти бўйича умуман ёки бирор-бир фаолият тури (кредитлаш, инвестициялаш ва б.) бўйича юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун мўлжалланган захиралардир. Алоҳида муайян операцияларга доир зарарлар бундан мустасно. "Яхши" кредитлар бўйича йўқотишларга қарши ёки миллий валюта девальвацияси бўйича, захиралар бунга мисол бўла олади.

Ссудалар (активлар) бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захира - банк кредит портфели (ёки активлари) ва балансдан ташқари мажбуриятларда юзага келиши мумкин бўлган ёки мавжуд зарарларни қоплаш учун қиймат суммасини ўзида акс эттирадиган банкнинг барча кредитлари (ёки бошқа актив ҳисобварақлари) бўйича зарарларни қоплаш учун ташкил этилган захиралар контр-актив ҳисобварағи ҳисобланади.

Активлар бўйича эҳтимолий зарарларни қоплаш захираларига ажратмалар "Эҳтимолий зарарларни баҳолаш" ҳисоб рақами орқали банк харажатларига киритилиши ва жорий давр учун "Фойдалар ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот"нинг "Активлар ва лизинг бўйича эҳтимолий зарарларни баҳолаш" сатрида акс эттирилиши лозим.

Захираларнинг ноадекватлиги ҳолларида банк томонидан захираларнинг етишмовчилиги аниқланган даврда захираларга қўшимча ажратмалар қилиниши зарур. Бу "Эҳтимолий зарарларни баҳолаш" (Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот) ҳисоб рақамини дебетлаш ва "Активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захира" (Баланс ҳисоботи) ҳисоб рақамини кредитлаш йўли билан амалга оширилади.

Агар банк активлари портфели таҳлил қилинганидан кейин унинг захиралари талаб қилинганидан ортиқ бўлса, у ҳолда банк "Активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захира" (Баланс ҳисоботи)

ҳисоб рақамини дебетлаши ва "Эҳтимолий зарарларни баҳолаш" (Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот) ҳисоб рақамини кредитлаши лозим.

Активлар бўйича эҳтимолий зарарларни қоплаш захираларининг адекват даражасини доимий равишда ушлаб туришнинг таъминланиши учун тўлиқ жавобгарлик банк Кенгашига юклатилади.

"Ишончсиз" активларни эҳтимолий зарарларни қоплаш захиралари ҳисобидан қоплаш тўғрисидаги қарор банк Бошқаруви томонидан қабул қилиниб, бу ҳақда банк Бошқаруви банк Кенгашига уч кунлик муддат ичида маълумот беради.

Зарарларни қоплаш захиралари ҳисобидан қопланган ишончсиз активларнинг ҳисоби "Кўзда тутилмаган ҳолатлар" ҳисобварағида юритилади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет: "Эҳтимолий зарарларни қоплаш учун захиралар" ҳисобварағи;

Кредит: тегишли актив ҳисобварақ.

Эҳтимолий зарарларни қоплаш захиралари етишмаган тақдирда мазкур Тартибга мувофиқ 56800-“Эҳтимолий зарарларни баҳолаш” ҳисобварағидан контр-актив ҳисобвараққа қўшимча ажратмалар қилиниши керак. Ўтказилаётган актив бўйича олинадиган фоизларни ҳисобга олиш шахсий ҳисоб рақами ҳам бир вақтнинг ўзида ушбу актив бўйича “Олинадиган ҳисоблаб ёзилган фоиз” ҳисобварағини кредитлар ва “Фоизли даромад” ҳисобварағини дебетлаш йўли билан ёпилиши керак.

Ишончсиз актив ва улар бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларнинг баланс ҳисобварақларидан “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағига ўтказиш ушбу актив бўйича қарзлар ҳамда улар бўйича фоизларни бекор қилинишини билдирмайди. Шунинг учун ушбу қарз, шунингдек у бўйича фоизлар “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварақларида улар бу ҳисобварақларга ўтказилган пайтдан бошлаб беш йилдан кам бўлмаган муддат мобайнида акс эттирилиши лозим. Банк қонунчиликка мувофиқ мазкур актив бўйича асосий қарз ва фоизларни ундириш юзасидан барча

чора-тадбирларни қўллаши зарур. Банк қарздор мажбуриятининг тўлиқ суммасини тўғри акс эттириш учун мазкур активга фоизлар ҳисоблаб ёзишни уни “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағига ўтказгандан кейин ҳам давом эттиради.

Бунда банк мунтазам равишда, бир ойда камида бир марта қарздорга “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварақлардаги қолдиқларга мос келадиган асосий қарз ва олинadиган ҳисоблаб ёзилган фоизлар бўйича муддати ўтган қарзнинг мавжудлигини тасдиқловчи “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағидан кўчирмани илова қилган ҳолда кредит бўйича қарзни қоплаш ва у бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни тўлаш талаб қилинган даъво хатини юбориши лозим. Даъво хати ва кўчирмалар банкнинг муддати ўтган қарзларни ундириб олиш бўйича суд органларига мурожаат этиши учун асос бўлади. Ички аудит хизмати ва банк Бошқаруви ҳар чоракда “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағига ўтказилган ишончсиз активларни ундириш бўйича қўлланаётган чора-тадбирлар ҳақида банк Кенгашини ёзма равишда маълумот беришлари шарт.

Банк Кенгаши молиявий йил якуни бўйича банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига банкнинг ишончсиз активларини ундириш бўйича қўлланган чора-тадбирлар ҳақидаги масалани киритади.

Банк Бошқаруви томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорига кўра марказлаштирилган ресурслар ёхуд бошқа маблағлар ҳисобидан берилган кредитлар ҳисобидан ташкил топган ишончсиз активни баланс ҳисобварақларидан “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағига ўтказиш ҳақидаги қарор Марказий банк ёхуд Ҳукумат олдидаги қарзларнинг бекор қилиниши эмас. Банк Марказий банк ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати олдидаги қарзларни ҳатто агар ушбу маблағлар ҳисобидан берилган кредитлар илгари тузилган кредит шартномаларига мувофиқ тўланмаган бўлса ҳам қайтариши шарт.

Агар қарздор томонидан “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағида ҳисобга олинadиган актив бўйича қарз банк томонидан ушбу қарзни

ундириш бўйича кўрилган барча чора-тадбирларга қарамасдан, у бу ҳисобварақларга ўтказилгандан кейин беш йил давомида тўланмаса, у ҳолда ушбу актив (асосий қарзлар ҳам, фоизлар ҳам) банк Кенгашининг акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган қарорига кўра ҳисобдан чиқарилади. Агар қарздор илгари эҳтимолий зарарларни қоплаш учун захира барпо этилган актив бўйича қарзлар ҳисоб рақамига тўласа ва қарз тижорат банкининг баланс ҳисобварақларидан “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағига ўтказилмаган бўлса, у ҳолда “Эҳтимолий зарарларни қоплаш учун захиралар” ҳисобварағи дебетланади ва “Эҳтимолий зарарларни қоплаш учун захираларга ажратмалар” ҳисобварағи кредитланади. Агар қарздор актив “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағига ўтказилганидан кейин ушбу актив бўйича қарзлар ҳисоб рақамига тўласа, у ҳолда банк томонидан “Эҳтимолий зарарларни қоплаш учун захиралар” ҳисобварағи кредитланади, тегишли актив ҳисобварағи, масалан қарз тўланишида пул олинишини акс эттириш учун касса ҳисобварағи дебетланади ва, оқибатда, банк томонидан “Эҳтимолий зарарларни қоплаш учун захиралар” ҳисобварағи дебетланади ва “Эҳтимолий зарарларни қоплаш учун захираларга ажратмалар” ҳисобварағи кредитланади, бу билан шу вақтгача “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағига ўтказилган зарарлар банк даромадлари оқимига қайтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида» 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарорига асосан, молия-банк фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, замон талаблари ва халқаро нормалар ҳамда стандартларга мувофиқ ҳолда амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш, шунингдек кредитлар бўйича муаммоли

қарзларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймаслик борасида олдини олиш чораларини кўриш йўли билан тижорат банкларининг кредит портфели муттасил ўсиши ҳамда сифати яхшиланишини таъминлаш республиканинг молия-банк тизимини ислоҳ қилиш ва барқарорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарорининг 1-илоvasи 32-бандида, банк таваккалчиликларини бошқаришда чуқур омилли таҳлилни амалга оширишнинг аниқ механизмини жорий қилиш, захираларни шакллантириш, кредит портфелини диверсификациялашни кўзда тутган ҳолда банklar активлари сифати мониторингини такомиллаштириш, шунингдек муаммоли қарздорлик пайдо бўлишига йўл қўймаслик юзасидан огоҳлантирувчи чоралар қабул қилиш белгиланган.

Мазкур вазифа ижросини таъминлаш мақсадида 2011 йил 10 сентябрда Марказий банк Бошқарувининг «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартибига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 26/1-сонли қарори қабул қилинди.

Марказий банкнинг «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартиби»га киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларда, жумладан қуйидагилар ифодаланган.

Марказий банкда тижорат банки активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираланадиган мажбурий захира депозити ташкил қилинди ҳамда ушбу мажбурий захира депозитига тижорат банклари ўз активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши шакллантирилган махсус захиралар суммасига тенг миқдордаги маблағларни вакиллик ҳисобварақларидан ўтказиб бориш талаби қўйилди.

Мажбурий захира депозитига ўтказилиши лозим бўлган маблағлар миқдори ҳар ойнинг 10, 20-саналари ва ой якуни бўйича шакллантирилган активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захира суммасидан келиб чиқиб қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Ҳисоб-китоб натижаларига кўра, уч иш куни мобайнида тижорат банклари махсус захиралар суммасига етмаётган миқдордаги маблағларни мажбурий захира депозитига ўтказилиши ёки тижорат банкларининг асослантирилган мурожаатига кўра Марказий банк томонидан ортиқча маблағлар банкларга қайтарилади.

Шунингдек, янги киритилган ўзгартиришларга кўра, Марказий банк тижорат банклари кредит портфелини таҳлил қилган ҳолда, тижорат банкларига қўшимча равишда активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар шакллантириш юзасидан ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар юбориши мумкин.

Ўз навбатида, агар тижорат банклари юқорида келтирилган талабларига амал қилмаган тақдирда, Марказий банк мажбурий захира депозитига ўтказилиши лозим бўлган маблағларни банкнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағидан ундириб олади ва банкка нисбатан Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 53-моддасига мувофиқ тегишли чора ва санкцияларни қўллайди.

Бундан ташқари, янги киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга кўра, банк томонидан ажратилаётган барча кредитлар бўйича тўловлар кредит шартномасининг бутун амал қилиш муддатига тақсимланган ҳолда бўлиб-бўлиб тўланиши белгилаб қўйилди.

Ушбу қоида банкларда муаммоли кредитларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик юзасидан огоҳлантирувчи белги сифатида хизмат қилади.

Шу билан биргаликда, киритилган ўзгартиришлар кўра, тижорат банклари ўз активлари сифатини таснифлаш бўйича бир қатор янгиликлар киритилди.

Жумладан, эски қоидаларга кўра, 30 кунгача тўлов муддати ўтган кредитлар «стандарт», 90 кунгача тўлов муддати ўтган кредитлар «субстандарт» ва 180 кундан ортиқ кунга тўлови кечиктирилган кредитлар «умидсиз» сифатида таснифланган бўлса, янги тартибга кўра шартнома муддатида тўланмаган ва график бўйича асосий қарз ва фоизлар бўйича оралиқ тўловлар 180 кундан кечиктирилган барча кредитлар «умидсиз» сифатида таснифланади.

Бундан ташқари, суд жараёнидаги активлар, қарздорнинг молиявий ҳолати ёмонлиги ва тўловга қобилиятсизлиги сабабли тўлов муддати узайтирилган активлар ҳамда банк фаолиятида фойдаланилмайдиган, муаммоли кредитларни қоплаш учун олинган мулклар, улар банк балансига олинган кундан бошлаб уч ой муддатда сотилмаган активлар ҳам «умидсиз» сифатида таснифланади.

Мазкур қоидаларнинг жорий қилиниши тижорат банклари активлар сифатининг янада ошишига, муаммоли кредитларни пайдо бўлишини дастлабки вақтларда аниқлаштиришга имкониятларни яратади, пировардида тижорат банкларининг омонатчилари ва кредиторларининг манфаатларини янада ҳимоя қилинишини таъминлайди.

2.2. Республика тижорат банкларида муаммоли активлар ва уларга захира ташкил қилиш амалиёти

Мамлакатимиз банк тизимининг самарадорлигини ошириш иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашда банкларнинг фаол иштирок этиши билан боғлиқдир. Бироқ, мамлакатимиз тижорат банклари кредитлаш фаолиятини олиб боришда бир қанча қийинчилик ва муаммоларга дуч келмоқда. Айниқса, бугунги кунда тижорат банкларини даромад келтирувчи активларининг асосий қисмини ташкил этувчи кредитлар орасида муаммоли кредитларнинг мавжудлиги сезиларли бўлмоқда.

Банклар жалб қилинган маблағлардан асосан кредит бериш сифатида фойдаланар экан, бунда нафақат даромад олиш, балки маблағларни “кредит олувчи”дан тўлалигича ундириб олиш масаласини олдиндан белгилаб олиши зарур. Чунки, “банк сармоя эгаси сифатида сармояни эмас, балки сармоядан фойдаланиш ҳуқуқини маълум бир шарт ва устама фоизлар билан сотади”¹⁸.

Маълумки, амалиётда муаммоли кредит деганда, “субстандарт”, “шубҳали” ва “умидсиз” кредитлар сифатида таснифланган кредитлар тушунилади. Ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, муаммоли кредитлар кредит рискларининг амалда яққол намоён бўлишининг натижасидир, яъни кредит рискларини тўғри бошқара олмаслик оқибати бўлиб ҳисобланади. Демак, “муаммоли кредит” тушунчаси “кредит рисклари” категорияси билан бевосита боғлиқдир.

Рискларнинг намоён бўлиши ва уни оқилона бошқара олмаслик натижасида банкларда кредит rischi кучаяди, бунинг оқибатида муаммоли кредитлар ҳажми ортади. Муаммоли кредитларни бошқаришнинг асосий усулларида бу захира ташкил этишдир. Рискдан кўрилган зарарларни қоплаш учун банкларда одатда “махсус” ва “умумий” захиралар шакллантирилади.

Риск натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш манбалари устида ҳам тўхталиб ўтиш зарур.

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари захираларнинг шаклланиши ва ҳисобга олиниши белгиларига кўра икки гуруҳга ажратади. Улар:

- ҳаражат сифатида тан олинадиган захиралар;
- тақсимланмаган фойда ҳисобига ташкил қилинадиган захиралар

Биринчи гуруҳдаги захиралар банк фойдаси бор ёки йўқлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда, уни ташкил қилишга етарли асос бўлиши билан шакллантирилади. Улар жорий давр учун активларнинг баланс қийматини

¹⁸ Дробозина Л.А. Финансы, денежное обращение, кредит –Москва. ЮНИТИ, 2000. - 329 с.

ва молиявий натижаларни пасайтиради. Биринчи гуруҳ заҳираларини ташкил қилиш натижасида баланс капитали камайтиради.

Иккинчи гуруҳдаги заҳиралар эса ҳисобот даврида банк фойда олган тақдирдагина шакллантирилади. Улар солиққа тортиладиган база ва молиявий натижаларга таъсир қилмайди. Бундай заҳираларни ташкил қилиш банк акциядорлари учун дивидендга ёки банк ходимлари, бошқарувчиларига берилиши мумкин бўлган мукофот пулларига ишлатилиши мумкин бўлган тақсимланмаган фойда ҳажмини камайтиради. Иккинчи гуруҳдаги заҳиралар асосий капитални кўпайтиради.

Муаммоли кредитлар келиб чиқишига таъсир этувчи омилларни икки гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1. Ички омиллар:

- таъминот етишмаслиги
- Ссуда буюртмасини ўрганишда ахборотни нотўғри баҳолаш
- Операция назоратининг заифлиги, ҳамда дастлабки огоҳлантирувчи белгиларни ўз вақтида аниқланмаслик ва улар юзасидан тегишли чоралар кўрмаслик
- Гаров таъминоти сифатининг пастлиги
- Шартномада кўрсатилган таъминотни олиш имконияти йўқлиги

2. Ташқи омиллар:

- Компаниянинг банкрот бўлиш
- Кредиторларни қарзни қайтаришни талаб қилиши
- Компаниянинг бозорда ўз ўрнини йўқотиши ва ички ижтимоий муаммолар
- Ўғирлик, муттаҳамлик

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда муаммоли кредитлар келиб чиқишининг асосий сабаблари орасида қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

- Қарздорнинг пул оқими ва молиявий фаолияти устидан назоратнинг етарли эмаслиги.
- Қарздор мижоз ишлаб чиқараётган товар ёки кўрсатаётган хизмат лар рақобатбардошлигининг тушиб кетиши ёки бозордаги ўрнининг ёмонлашиши;
- Самарасиз маркетинг ва сифатсиз бошқарув
- Қарздор молиявий ҳолатининг малакасиз таҳлили
- Кредит бўлими ходимларининг қарздор фаолият юритаётган тармоқ хусусиятларини ҳамда унинг эҳтиёжларини етарли даражада билмаслик оқибатида кредитни нотўғри ташкил этилгани
- Кредитни сундириш даврида банк томонидан мониторингни кучсиз бўлиши ёки умуман бўлмаслиги
- Гаров таъминотининг етарли эмаслиги
- Кредитни мақсадлилиқ тамойилининг бузилиши ва б.

1-жадвал.

Республикаимиз тижорат банкларида кредит сифати ва ташкил этилган захира кўрсаткичлари¹⁹, йил бошига, млрд. сўм

Йиллар	Жами кредитлар	муддати ўтган ва судда кўриляётган	ташкил этилган захиралар
2004	2785	303	132
2005	3232	300	218
2006	3686	326	257
2007	3935	746	268
2008	4628	661	336
2009	6062	705	406
2010	7915	106	211
2011	10786	104	215
2012	14326	102	291
2013	18601	99	373
2014	25562	103,7	484

Мамлакатимиз тижорат банкларида кредитлар ҳажми йил сайин ошганлигини ижобий вазият сифатида баҳолашимиз мумкин. Шу билан бирга муддати ўтган кредитларнинг 2003-2008 йилларда ошганлигини

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланди

кўришимиз мумкин. Муддати ўтган кредитларнинг кескин ошиб кетиши салбий ҳолат бўлиб, зудлик билан тегишли чоралар кўришни талаб этади. 2009 йилдан бошлаб эса камайиш тенденциясига эга. Охириги йилларда муддати ўтган ссудаларнинг ҳажми деярли ўзгармаган.

Ссудалар бўйича ташкил этилган захиралар мунтазам равишда ошиб борган. Бу шубҳали ва умидсиз кредитларнинг ошганлигидан далолат беради. Захиралар 2009 йилга келиб, деярли икки мартага камайган. Бунинг асосий сабаби муаммоли кредитларнинг камайиши билан боғлиқ. 2011-2013 йилларда ташкил этилган захиралар ҳажми кескин ошиб кетганлигини кузатишимиз мумкин. Бу кредитларнинг сифат даражаси ёмонлашганлигидан далолат беради.

Муддати ўтган кредитларнинг жами кредитлардаги улушининг энг юқори даражалари 2006 ва 2007 йилларда кузатилган ва мос равишда 18,96 фоиз ва 14,28 фоизни ташкил этган. Охириги йилларда уларнинг улуши кескин пасайган ва 0,4 фоизга қадар тушган.

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит портфелининг сифат жиҳатдан таҳлили²⁰, йил бошига, млрд. сўм

йил	Жами кредитлар	яхши	стандарт	субстандарт	шубҳали	умидсиз
2004	2785	2074	409	259	42	2
2005	3232	2436	496	213	81	6
2006	3686	2549	810	233	47	47
2007	3935	2725	464	627	103	15
2008	4628	3367	600	533	97	31
2009	6062	4696	661	525	145	36
2010	7915	6832	719	258	86	20
2011	10786	9463	663	256	85	19
2012	14326	13187	700	337	83	18
2013	18601	17390	808	304	82	17
2014	25562	24121	1017	320	87	16

Ушбу жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, республикаимиз банк тизими сифат кўрсаткичи йил сайин ошиб бормоқда. Жумладан, 2003 йилда яхши кредитлар жами кредитларнинг 74,47

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланди

фоизини ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 94,36 фоизга қадар ошди. Стандарт кредитлар сифатида таснифланган кредитларнинг улуши 2005 йилда энг юқори (21,98 фоиз) бўлган бўлса, охириги йилга келиб унинг улуши 3,98 фоизга қадар пасайди. Субстандарт кредитлар 2006-2007 йилларда жами нисбатан 15,93-11,52 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб, энг паст кўрсаткич 1,25 фоизни ташкил этган.

Шубҳали кредитларнинг салмоғи 2004-2008 йилларда 2-3 фоиз атрофида тебраниб турган. Умидсиз кредитлар 2005 йилда жамига нисбатан 1,5 фоизни ташкил этган. Муаммоли кредитларнинг улуши камайиш тенденциясига эга, хусусан, шубҳали ва умидсиз кредитлар мос равишда 0,34 ва 0,06 фоизга қадар камайган. Салмоғи жиҳатдан камайиш кузатилган бўлсада, лекин ташкил этилган захираларнинг миқдори охириги йилларда бироз ўсиш тенденциясига эга.

3-жадвал.

01.01.2014 йил ҳолатига Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитлари бўйича ташкил этилган захираларнинг тармоқ кесими²¹, млрд. сўм

№	Кўрсаткичлар номи	яхши	стандарт	субстандарт	шубҳали ва умидсиз	жами захира суммаси
1	Саноат	138,1	44,3	23,1	49,7	255,2
2	Қишлоқ хўжалиги	18,4	9,5	6,5	12,2	46,6
3	Транспорт ва коммуникация	1,6	3,4	1,7	6,3	12,9
4	Қурилиш	17,1	6,9	4,1	11,7	39,8
5	Савдо ва умумий хизмат кўрсатиш	5,8	17,6	4,1	9,1	36,6
6	Техник-моддий таъминот	1,0	2,6	1,6	1,5	6,7
7	Уй-жой коммунал хизмат	2,0	4,9	0,4	1,8	9,1
8	Бошқа соҳалар	14,3	12,6	38,7	11,4	77,0
	Жами	198,4	101,7	80,1	103,7	483,9

Ташкил этилган захираларни таҳлил этадиган бўлсак, жами ташкил этилган захираларнинг 41 фоизи яхши кредитларга ажратилган

²¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланди

захираларга ҳиссасига тўғри келмоқда. Стандарт дея таснифланган ажратилган захираларнинг миқдори шубҳали ва умидсиз кредитларнинг ҳажмига деярли тенг. Тармоқ кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, саноат тармоғига жами захираларнинг 52,7 фоизи тўғри келмоқда. Ушбу тармоқ барча таснифлар ичида етакчилик қилмоқда.

Қуйида мамлакатимизнинг йирик тижорат банкларидан бири бўлган ДАТ Асака банкнинг кредит фаолияти ва унга ташкил этилган захираларни таҳлил этамиз.

4-жадвал.

ДАТ Асака банкнинг мижозлар кесимида муддати ўтган қарздорлик²², 01.01.2014 йил ҳолатига, минг сўм

№	Мижозлар кесимида	Кредит бўйича жами қарздорлик	Реструктуризация қилинган кредитлар	Муддати ўтган қарздорлик			
				Жами	%	шундан	
						Муддати ўтган	Суд жараёнидаги
1	Марказий банк	0	0	0	0	0	0
2	Бошқа банклар	0	0	0	0	0	0
3	Ҳукумат	0	0	0	0	0	0
4	Жисмоний шахслар	197964555	24868	325220	1	96971	228249
5	Давлат ташкилотлари	553538902	5090593	3748705	13	3748705	0
6	Қўшма ва хорижий корхоналар	795081354	21521544	4997532	18	97066	4900466
7	Хусусий корхона ва кооперациялар	684683644	29172027	18743203	67	1631940	17111263
8	Фермер хўжаликлари	13468543	0	0	0	0	0
9	Нобанк молия институтлари	2342572	0	167003	1	167003	0
10	Нодавлат нотижорат ташкилотлар	0	0	0	0	0	0
11	Бюджет ташкилотлари	22560981	0	0	0	0	0
12	Бошқалар	0	0	0	0	0	0
	Жами кредитлар	2269640551	55809032	27981663	100	5741685	22239978

²² www.asakabank.uz (Асака банкнинг йиллик ҳисоботлари асосида ҳисобланди)

Асака банкда мижозлар кесимида муддати ўтган қарздорликни таҳлил қиладиган бўлсак, бунда кредитлар бўйича жами қарздорликнинг 35 фоизи (795081 млн с) қўшма ва хорижий корхоналар ҳиссаисга тўғри келмоқда. Хусусий корхона ва кооперациялар 30 фоиз, давлат ташкилотлари 24 фоизни ташкил этмоқда.

Реструктуризация қилинган кредитлар таркибида ҳам айнан ушбу мижозлар энг асосий ўринни эгаллайди. Муддати ўтган қарздорликнинг 67 фоизи хусусий корхоналар ҳиссасига тўғри келса, 18 фоизи қўшма корхоналарга тегишли. Суд жараёнидаги кредитларда ҳам уларнинг салмоғи юқори.

5-жадвал.

ДАТ Асака банкнинг иқтисодиёт тармоқлари кесимида муддати ўтган қарздорлик²³, 01.01.2014 йил ҳолатига, минг сўм

№	Иқтисодиёт тармоқлари кесимида	Кредит бўйича жами қарздорлик	%	Реструктуризация қилинган кредитлар	%	Муддати ўтган қарздорлик			
						Жами	%	шундан	
								Муддати ўтган	Суд жараёнидаги
1	Саноат	1263756259	56	21854852	39	9719750	35	1108629	8611121
2	Қишлоқ хўжалиги	135037464	6	19980516	36	1894663	7	245105	1649558
3	Транспорт ва коммуникация	20892962	1	116700	0	62153	0	30317	31836
4	Қурилиш	49695937	2	0	0	1948050	7	19353	1928697
5	Савдо ва умумий овқатланиш	403597578	18	8741503	16	4415500	16	207492	4208008
6	Моддий-техника таъминот	47356392	2	0	0	612190	2	0	612190
7	Уй-жой коммунал хизмати	53391829	2	5090593	9	3842722	14	3842722	0
8	Бошқа соҳалар	295912130	13	24868	0	5486635	20	288067	5198568
					0				
	Жами кредитлар	2269640551	100	55809032	100	27981663	100	5741685	22239978

Иқтисодиёт тармоқлари кесимида муддати ўтган қарздорликни таҳлил қиладиган бўлсак, бунда саноат етакчилик қилмоқда. Жами кредиторлик қарзларининг 56 фоизи (1263756 млн с), реструктуризация

²³ www.asakabank.uz (Асака банкнинг йиллик ҳисоботлари асосида ҳисобланди)

килинган кредитларнинг 39 фоизи ва муддати ўтган кредитларнинг 35 фоизи айнан саноатга тегишлидир.

Кейинги ўринда савдо ва умумий овқатланиш тармоғи бўлиб, унинг улуши мос равишда 18 фоиз, 16 фоиз ва 16 фоизни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги жами кредиторлик қарзларининг атиги 6 фоизини ташкил этгани ҳолда, реструктуризация қилинган кредитларнинг 36 фоизини ташкил этиши жуда салбий ҳолат ҳисобланади.

Уй-жой коммунал хизмати соҳасида ҳам худди шундай вазиятни кузатишимиз мумкин, яъни жами кредитларга нисбатан 2 фоизни ташкил этгани ҳолда, муддати ўтган қарздорликнинг 14 фоизи ушбу соҳага тегишли эканлиги ачинарли ҳолат, албатта.

6-жадвал.
ДАТ "Асака" банкнинг кредит портфели таснифи²⁴, (млн.сўм)

№	Кўрсаткичлар	01.01.12 й	01.01.13 й	01.01.14 й	01.01.12 й.га нисбатан фоизда	01.01.13 й.га нисбатан фоизда
1	Кредит портфели классификацияси	1,626,991.4	1,852,780.2	2,437,783.0	149.8%	131.6%
	яхши	1,442,034.4	1,697,234.1	2,211,126.2	153.3%	130.3%
	стандарт	126,154.2	83,914.1	118,369.4	93.8%	141.1%
	субстандарт	20,769.4	39,298.9	42,210.0	203.2%	107.4%
	шубҳали	34,311.7	27,132.7	33,093.1	96.4%	122.0%
	умидсиз	3,721.7	5,200.4	32,984.3	886.3%	634.3%
	Кредитлар бўйича ташкил этилган захира	38,713.8	33,716.5	72,609.4	187.6%	215.4%

Асака банкда кредит портфели ҳажми йил сайин ошиб борганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга кредитларнинг сифат даражаси ҳам ўзгариб борган. Айниқса, 2013 йилда умидсиз кредитлар кескин ошиб кетган, ўтган йилга нисбатан 6,3 мартага ошган ва 32984 млн сўмни ташкил этган.


²⁴ www.asakabank.uz (Асака банкнинг йиллик ҳисоботлари асосида ҳисобланди)

Яхши кредитлар жорий йилда ўтган йилга нисбатан 30 фоизга ошган, олдинги йилга нисбатан эса 50 фоизга ошган ва 2211,1 млрд сўмни ташкил этган.

Шу билан бирга шубҳали ва субстандарт кредитлар ҳам олдинги йилга нисбатан сезиларли даражада ортган.

Кредитлар бўйича ташкил этилган захира миқдори эса ўтган йилга нисбатан 2,1 мартага, олдинги йилга нисбатан эса 1,8 мартага ошган ва 72609 млн сўмни ташкил этган.

Ушбу ҳолат юзасидан банк зудлик билан муаммоли кредитларни камайтириш бўйича ишларни амалга ошириш талаб этилади.



1-расм. ДАТ "Асака" банкда кредит портфелининг сифат даражасига кўра улуши²⁵, 2014 йил бошига, фоизда

Асака банк кредит портфелини сифатига кўра таҳлил қиладиган бўлсак, бунда яхши кредитлар жами кредитларнинг 90,70 фоизини ташкил этмоқда.

Стандарт кредитлар эса жамига нисбатан 4,86 фоизни ташкил этмоқда, ўтган йилга нисбатан эса 40 фоизга ошган. Умуман олганда, ушбу

²⁵ www.asakabank.uz (Асака банкнинг йиллик ҳисоботлари асосида ҳисобланди)

кредит қўйилмаларининг ошиши банк учун хавфли ҳисобланмайди, лекин сифатининг ёмонлашиши натижасида муаммоли кредитларга ўтиб қолиш хавфи бор. Субстандарт кредитлар эса жамига нисбатан 1,73 фоизни ташкил этади. Ушбу кредитлар ўтган йилга нисбатан 7 фоизга ошган. Шубҳали кредитлар жамига нисбатан 1,36 фоизни ташкил этади ва ўтган йилга нисбатан 22 фоизга ошган.

Умидсиз кредитлар 1,35 фоизни ташкил этгани ҳолда ўтган йилга нисбатан 634 фоизга ошган. Бу жуда салбий ҳолат ҳисобланади.

7-жадвал.

ДАТ "Асака" банк кредит қўйилмаларининг тармоқлар кесимида сифат даражасига кўра таснифи²⁶, 2014 йил бошига, минг сўм

№	Кўрсаткичлар	Жами кредит суммаси	Яхши	Стандарт	Субстандарт	Шубҳали	Умидсиз
1	Саноат	1263756259	1164955931	63698662	6765403	10553957	17782306
2	Қишлоқ хўжалиги	135037464	118461437	3025069	5398846	5305689	2846423
3	Транспорт ва коммуникация	20892962	20550035	149227	0	0	193700
4	Қурилиш	49695937	37435469	1160239	9647727	1433902	18600
5	Савдо ва умумий овқатланиш	403597578	400194467	1519168	0	1146406	737537
6	Моддий-техник таъминот	47356392	47347072	0	0	0	9320
7	Уй-жой коммунал хизмати	53391829	44730669	8558785	102375	0	0
8	Бошқа соҳалар	295912130	217875194	24708905	32412411	12354953	8560667
9	Жами кредитлар	2269640551	2051550274	102820055	54326762	30794907	30148553
10	Бошқа таснифланган активлар	395828645	395828645				
11	Жами таснифланган активлар	2665469196	2447378919	102820055	54326762	30794907	30148553

Асака банк республикамизнинг йирик тижорат банкларидан ҳисобланади. Шу боис унинг асосий кредит қўйилмалари саноатга

²⁶ www.asakabank.uz (Асака банкнинг йиллик ҳисоботлари асосида ҳисобланди)

йўналтирилган. Саноат тармоғида кредитларнинг сифатига кўра ҳар қандай тури мавжуд, бунда энг катта суммани яхши кредитлар (1164955 млн с) ташкил этади.

Бошқа соҳаларда ҳам шундай вазиятни кузатишимиз мумкин. Фақат моддий-техник таъминот, транспорт ва коммуникация, уй-жой коммунал хизмати соҳаларида муаммоли кредитларнинг салмоғи биров паст.

Жами кредитларнинг (2269640551 млн с) катта қисмини (2051550274 млн с) яхши кредитлар ташкил этади.

8-жадвал.

ДАТ "Асака" банк кредит қўйилмаларининг сифат даражаси бўйича ташкил этилган захира миқдори²⁷, 2014 йил бошига, минг сўм

№	Соҳа	Умумий захира	Стандарт кредитларга захира ажратмаси	субстандарт кредитларга захира ажратмаси	шубҳали кредитларга захира ажратмаси	Умидсиз кредитларга захира ажратмаси	Захиранинг жами суммаси
1	Саноат	0	6722683	1820477	5276979	17053921	30874060
2	Қишлоқ хўжалиги	0	297481	1280201	2704136	2846423	7128241
3	Транспорт ва коммуникация	0	14923	0	0	179992	194915
4	Қурилиш	0	116024	2335945	716951	18600	3187520
5	Савдо ва умумий овқатланиш	0	151917	0	573658	737537	1463112
6	Моддий-техник таъминот	0	0	0	0	9320	9320
7	Уй-жой коммунал хизмати	0	1947532	25594	0	0	1973126
8	Бошқа соҳалар	0	2487937	8106438	6360001	8566810	25521186
9	Жами кредитлар	0	11738497	13568655	15631725	29412603	70351480
10	Бошқа таснифланган активлар	30081562					30081562
11	Жами таснифланган активлар	30081562	11738497	13568655	15631725	29412603	100433042


²⁷ www.asakabank.uz (Асака банкнинг йиллик ҳисоботлари асосида ҳисобланди)

Кредит қўйилмаларининг сифат даражаси бўйича ташкил этилган захира миқдорини таҳлил қиладиган бўлсак, бунда ташкил этилган захира миқдори 70351 млн сўмни ташкил этади.

Унинг 30874 млн сўми саноат соҳасида ташкил этилган захира ҳиссаисга тўғри келади. Саноатда умидсиз захиралар жамининг ярмидан ҳам кўпини, яъни 17053 млн сўмни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ташкил этилган захиранинг 80 фоизини шубҳали ва умидсиз кредитларга ажратилган захиралар ташкил этади.

Қурилиш соҳасида субстандарт кредитларга ташкил этилган захиралар салмоқли ўринни эгалласа, савдо ва умумий овқатланишда умидсиз кредитларнинг улуши катта.



2-расм. ДАТ "Асака" банкда ташкил этилган захираларда тармоқлар улуши²⁸, 2014 йил бошига, фоизда

Асака банкда ташкил этилган захираларда саноат тармоғида ташкил этилган захиралар жамининг 43,9 фоизини ташкил этмоқда. Чунки йирик

²⁸ www.asakabank.uz (Асака банкнинг йиллик ҳисоботлари асосида ҳисобланди)

мижозларга ва йирик кредит ҳамда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда Асака банк энг асосий ҳамкорлардан бири ҳисобланади. Кейинги ўринда эса қишлоқ хўжалиги 10,1 фоизни ташкил этган. Қишлоқ хўжалигига ажратилган кредитларнинг миқдори юқори бўлмасда, лекин муаммоли кредитларда унинг улуши анча юқори ҳисобланади.

Қурилиш 4,5 фоизни ташкил этади ва ўтган йилга нисбатан бироз ошган. Бунда субстандарт кредитларга ажратилган захира миқдори юқори.

Уй-жой коммунал ва умумий овқатланиш 2,1 ва 2,8 фоизни ташкил этади.

Жами ҳисобланган захиранинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги, саноат, моддий-техника таъминоти ва етиштириш тармоқлари ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасида муаммоли кредитлар келиб чиқишининг асосий сабабларини куйидагича туркумлаш мумкин:

- кредит олувчининг молиявий кўрсаткичларини, кредит маблағларидан фойдаланиш бўйича бизнес-режаларини, инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини паст даражада таҳлил қилиниши;

- қарздорнинг кредит маблағларидан фойдаланиши устидан мониторингни сифатсиз олиб борилиши, яъни қарздорнинг молиявий ҳолатини ёмонлашиши, пул оқимларининг салбий динамикаси ҳолатларида кредитни реструктуризациялаш ҳамда кредитнинг статусини ўзгартиришни ҳам қамраб олувчи чораларни ўз вақтида кўрмаслик;

- банклар ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига турли давлат органларининг аралашуви;

- миллий валюта девальвацияси, яъни хорижий валютадаги кредитлар бўйича инвестицион давр мобайнида айирбошлаш курсларида ортиқча фарқнинг пайдо бўлиши.

Муаммоли кредитларни бартараф этиш амалиёти самарали бўлиши учун уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, таснифлаш муаммоли

кредитларни бартараф этиш жараёнининг асосий ва дастлабки босқичларидан биридир.

Кредит фаолляти банкни кредит ташкилоти сифатида шакллантирувчи фаолият ҳисобланади. Банкларнинг хизмат кўрсатиш доираси қанча кенгаймасин, барибир кредит операциялари банклар учун асосий даромад манбаи бўлиб қолаверади. Шундай экан, банк амалиётида кредит операциялари катта рискни ҳам келтириб чиқаради. Чунки даромад қанча катта бўлса, риск ҳам шунчалик катта бўлади. Айниқса, қайтмайдиган кредитлар миқдорининг ошиш эҳтимоли банк учун катта зарар хавфини келтириб чиқаради.

Шу сабабли ҳар бир банк ўз кредит сиёсатини айнан мана шундай муаммоли кредитлар олдини олиш, улар билан ишлаш чора тадбирларига йўналтиради, яъни кредит сиёсати, кредит операцияларини самарали ташкил этиш йўли билан муаммоли кредитларни юзага келиш хавфини олдини олиш мақсадида ташкил этилади.

III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЗАХИРАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Захиралар тизими ягона яхлитликни ҳосил қилувчи муносабатлар ва алоқаларга эга кўплаб элементлардан иборат. Қуйидагилар исталган бошқа тизимдаги каби ушбу тизимнинг асосий хусусиятлари ҳисобланади:

- яхлитлик, яъни тизим ҳосил қилувчи муносабатлар ва алоқаларнинг мавжудлиги;
- тузилишнинг иерархик эканлиги;
- эмергентлик;
- муҳит билан ўзаро таъсири, бу жараёнда тизим ўз хусусиятларини намоён этади ва яратади.

Захиралар тизимини акс эттирувчи юқоридаги белгиларни изоҳлаб ўтамиз.

1. Тизим ҳосил қилувчи алоқалар.

Тизим ҳосил қилувчи алоқаларга барча захиралар учун ягона бўлган моҳиятни ва умумий функцияларнинг мавжудлигини киритиш мумкин.

2. Тузилишнинг иерархик эканлиги.

Ҳар қандай тизим мураккаб яхлитлик сингари кичик тизимларга бирлашиши мумкин бўлган кўпгина элементлардан (тизимнинг ажралмас қисмлари) ташкил топади. Тизим элементлари, унинг кичик тизимлари орасида алоқаларнинг мавжудлиги тузилманинг шаклланишига олиб келади. Захираларнинг алоҳида турлари захиралар тизимининг элементлари ҳисобланади. Бунда захираларнинг алоҳида турлари кичик тизимларга бирлашган ва тузилмаланган бўлиши мумкин. Хусусан, 1.2-бўлимда айтиб ўтганимиздай, захиралар ҳисоботларда акс этадиган (очик) ва яширин захираларга ажралади. Биз ҳисоботларда акс этадиган захираларни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган ва кўзда тутилмаган захираларга ажратишни таклиф этамиз. Бунда захираларнинг биринчи гуруҳи таркибига марказлаштирилган ва рухсат этилган

захиралар кичик гуруҳини киритиш, иккинчисининг таркибига эса, рухсат этилган ва шартли захиралар кичик гуруҳини киритиш зарур.

3. Эмержентлик.

Захиралар тизимининг эмержентлиги шунда намоён бўладики, у ягона яхлитлик сифатида тизим элементларининг оддий (механик) йиғиндисига нисбатан кўпроқ потенциал имкониятга эгадир. Захираларнинг у ёки бу турининг йўқлиги ёки етишмаслиги банкнинг нафақат алоҳида таваккал турларини минимумга етказиш, балки умуман молиявий барқарорликни таъминлаш бўйича потенциал имкониятларини камайтиради.

4. Муҳит билан ўзаро таъсири.

Захиралар тизимининг ташқи муҳит билан ўзаро таъсири шунда намоён бўладики, у ички ва халқаро молия бозоридаги вазиятнинг ўзгаришига; мамлакатдаги умумий иқтисодий вазиятга; мамлакатлар бўйича, сиёсий ва молиявий таваккалларга; қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилишига; банк миждозлари ва контрагентларининг молиявий ҳолатига; банк активлари ва пасивларининг умумий ҳолатига (ҳажмлар, вақтинчалик параметрлар, сифат) таъсирчан бўлади.

Банк томонидан шакллантириладиган захираларнинг йиғиндисига тизим сифатида қараш банкнинг молиявий барқарорлигини бошқариш жараёнида унинг интегратив хусусиятларидан фойдаланиш имконини беради, аниқроғи захиралар тизими:

- ягона яхлитлик сифатида тизим элементларининг оддий (механик) йиғиндисига нисбатан кўпроқ потенциал имкониятга эга;
- захираларнинг турли функцияларини бир вақтнинг ўзида амалга ошириш имконини беради;
- унда бир вақтнинг ўзида турли ҳажм ва шаклдаги ҳар хил захиралар мавжуд бўлади;
- ягона яхлитлик сифатида кумулятивлик хусусиятига эга, чунки захиралар вақтнинг муайян лаҳзаларида шаклланади (масалан,

молия бозорида капитални жалб этиш, кредит бериш, фойдани тақсимлаш) ва тўпланиши мумкин. Захиралардан фойдаланиш эса, бир вақтнинг ўзида у ёки бу ҳажмда бошқарув мақсадларига қараб, юз бериши мумкин, хусусан, молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган ҳаракатларни кучайтириш.

Захираларнинг тузилмаси қўзғалувчан бўлиб, банк капиталининг айланиш босқичига ва бизнес миқёсларига қараб ҳажмлари ва шакллари ўзгартирган ҳолда, доимий тарзда ўзгариб туради, шу боис бошқариладиган жараёнларга таъсир кўрсатиш чораси (ликвидликни бошқариш, таваккалларни бошқариш ва ҳ.к.) ва функцияларни амалга ошириш чораси турлича бўлади.

Банк томонидан шакллантириладиган захираларнинг (захира капитали) айнан тизим сифатида тушунилиши улардан молиявий барқарорликни таъминлаш учун комплекс фойдаланиш заруратини шартлайди.

Пайдо бўлиш ва захираларга таъсир қилиш характериға кўра ташқи муҳитнинг ижтимоий-иқтисодий омиллари ажратилади. Уларға захираларни шакллантиришда ўзига хос чекловлар сифатида қаралади. Уларнинг ўзгариши, тебранишларини кўп ҳолларда олдиндан айтиб бўлмайди ва тижорат банкининг фаолиятиға боғлиқ бўлмаган сабаблар билан белгиланади. Асосий омилларға қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ҳуқуқий омиллар;
- солиқ тизими;
- қимматли қоғозлар бозорининг даромадлилиги;
- захиралар ўсиши шаклланишининг ташқи муқобил манбалари;
- инфляция;
- банк тизимининг шаффофлиги;

1. Ҳуқуқий чекловлар. Банк фаолияти соҳасидаги қонунчилик меъёрлари тартибға солишнинг норматив параметрларини мажбурий захиралаштириш фондларига чегирмалар ставкаси шаклида ссудалар

бўйича эҳтимолий йўқотишларга мўлжалланган захираларга ва хоказоларга белгилайди. Улар молиявий ресурслардан фойдаланиш йўналишларининг устуворлигини ва уларни тақсимлаш шартларини шакллантиради.

Қонунчилик базасида ўзгаришлар фонд бозорида қимматли қоғозлар олди-соттиси билан боғлиқ банк йўқотишлари фоизига, қимматбаҳо қоғозлар олди-соттиси бўйича доимий харажатларга таъсир қилиши мумкин.

2. Солиқ тизими захираларга жиддий таъсир кўрсатади. Фойдадан солиқ олиш ставкаларини сезиларли пасайтириш банклар соф даромадининг ҳажмини оширади ва захиралар ҳажмини пасайтиради. Бу каби ўзгаришлар, шунингдек фонд бозорида ижобий таъсир кўрсатган ҳолда, банкларнинг кредит фаолиятини ривожлантиришга имкон беради.

3. Қимматли қоғозлар бозорининг даромадлиги. Даромадлилик кўрсаткичи қимматли қоғозлар сотуви билан боғлиқ банк йўқотишлари фоизига таъсир кўрсатади. Уларнинг ўзаро боғлиқ равишда пасайиши капиталнинг нисбатан арзонлиги кўринишида захираларнинг чегараларини кенгайтирган ҳолда захираларга ижобий таъсир кўрсатади. 2001 йилнинг 11 сентябридаги фожеавий воқеалар муносабати билан АҚШда бир неча кунлардан сўнг бозор муносабатлари борасида ривожланган мамлакатлар биржаларининг индекслари 20-30% га кескин тушиб кетди.

4. Захираларни шакллантиришнинг муқобил ташқи манбалари. Захираларни шакллантиришнинг қўшимча манбаи сифатида қимматли қоғозларни тезкор сотиш имконияти бщлиши мумкин. Аммо алоҳида тижорат банклари баъзида ўзлаштириш учун бошқа имкониятларга эга бўлишлари мумкин ва бу ҳолатда бошқа манбани жалб қилиш билан боғлиқ банкнинг доимий трансакциявий харажат ва йўқотишларининг омиллари ўзгаради.

5. Инфляция захиралар ўзгаришининг омилларига кучи бўйича турлича ва йўналиши бўйича ҳар хил таъсир кўрсатади. Агар кредитлар ҳажми инфляцияга кўра кўпроқ даражада ошса, у ҳолда кредит фаолиятининг реал, инфляциянинг ўсишига тўғирланган ўсиши юз беради.

Инфляция таъсири муносабати билан кредитлар ҳажми инфляция даражасидан ошган ҳолда қонуний ўсиши қонуний деб ҳисоблаш мумкин.

Соф даромад ҳажми ва унинг ўртача квадрат фарқи, шунингдек захиралар ўзгаришининг бошқа омиллари (кредитлар бўйича йўқотишлар фоизидан ташқари) инфляция мавжудлиги шароитида ўсиши лозим, чунки улар қиймат ифодасида ўлчанади, абсолют кўрсаткичлар ҳисобланади.

6. Банк тизимининг шаффофлиги, аввало, унинг молиявий ҳисоботлари ва асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиши асосида банкнинг молиявий ҳолатини холис ва ишончли баҳолашга имкон берадиган ахборотнинг очиқлилигини билдиради. Афсуски, ҳал қилинадиган вазифалар доирасида, ҳаммадан олдин, захираларнинг эҳтиёж даражасини белгилайдиган муҳим омили сифатида кредитлар бўйича йўқотиш фоизи бўйича талаб этиладиган ахборотнинг зарур ишончилиги ва етарлилигини таъминлаш қийин.

ХУЛОСА

“Захиралар” категориясининг муайян ноқулай вазиятларда фойдаланиш мақсадида мўлжалланган ғамлаб қўйилган нарса (моддий, техникавий, молиявий ва бошқа ресурслар) сифатида таърифлашимиз мумкин.

Кредит rischi тасодифий ходиса туфайли ссудалар(активлар)ни ҳисобга олган ҳолда уларнинг фоизлари, банк томонидан берилган кафолатлар ва кафилликлар кўринишидаги бўлган активларнинг барчаси ёки бир қисмининг йўқотилиш эҳтимоллигидир.

Захира яратишдан умумий мақсад даромаднинг бир қисмини дарҳол тақсимлашдан ушлаб қолиш ва уни келажакдаги кўпинча мавҳум молиявий муаммоларни ҳал қилиш учун сақлаб қўйишдан иборат. Захира режалаштирилган харажатлар кутилгандан ортиб кетганда ҳам, режалаштирилган даврда даромад пасайиб кетишини компенсация қилиш учун ҳам керак бўлиши мумкин. Шунингдек, захиралар молиявий маблағлар узилишлар билан келиб тушаётганда, уларга бўлган талабга мос келмаганда ҳам яратилади.

Захираларнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, улар бартараф этиладиган хатар моҳияти билан узвий боғлиқ.

Захира яратишдан умумий мақсад даромаднинг бир қисмини дарҳол тақсимлашдан ушлаб қолиш ва уни келажакдаги кўпинча мавҳум молиявий муаммоларни ҳал қилиш учун сақлаб қўйишдан иборат.

Захиралар тижорат банкларининг кредит бериш ҳажмига таъсир этиши мумкин. Уларнинг ноўрин ёки асоссиз ўсиши кредит фаолияти соҳасидаги фаолликнинг пасайишига олиб келиши мумкин.

Мамлакатимиз тижорат банкларида кредитларни таснифлаш ва муаммоли кредитларга захира ташкил этиш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади. Унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, булар Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, Ўзбекистон Республикаси “Марказий банки тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон

Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун, “Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида”ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг катор меъёрий ҳужжатларида ўз аксини топган.

Активларни таснифлаш ва уларга захира ташкил этиш бўйича жаҳонда тан олинган ёки ўрнатилган аниқ меъёрлар мавжуд эмас, уни турли давлатлар ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб ўзлари ўрнатадилар ва мамлакат қонунчилиги билан мустаҳкамланади. Турли мамлакатларда қўлланиладиган активларни таснифлаш ва захираларни яратиш методикаларининг турфалиги анча жиддий муаммо сифатида ҳис этилмоқда. Лекин асосий ҳужжат барибир банк назорати бўйича Базель қўмитаси ҳужжатлари ҳисобланади ва давлатлар ўз қонунчилигини ушбу ташкилот ҳужжатларига мослаштиради.

Активларни таснифлашда ҳозирги пайтда бешта таснифий гуруҳ энг оммабоп ҳисобланади.

Эҳтимолий йўқотишлар даражаси бўйича ссудаларни таснифлашга бўлган регулятив ёндашувлардаги мазмуний фарқлар нуқтаи назаридан иккита умуман турлича ёндашувни ажратиш мумкин, хусусан:

маъмурий ёндашув, бунда таснифий гуруҳларнинг сони ва характеристикасини регулятор белгилайди, банкларга эса ссудаларни тегишли таснифий гуруҳга киритиш бўйича қатъий талаблар қўйилади;

либерал ёндашув, бунда банкларга ссудаларни таснифлашга бўлган ёндашувларни мустақил равишда белгилаш имконияти берилади, ушбу имкониятларга таснифий гуруҳларнинг сони ва характери банклар ўзлари мустақил равишда белгилаш имконияти кириши ёки кирмаслиги мумкин. Бунда банклар томонидан ишлаб чиқилган ёндашувларнинг сифатини назорат қилиш вазифаси регуляторда қолади, банклар регулятор томонидан акцептланган ёндашувларга амал қилади ва ёндашувларни тегишли тарзда тўғирлаш ва (ёки) уларни амалга ошириш амалиёти бўйича талабларни қўяди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз тижорат банкларида кредитлар билан боғлиқ икки турдаги захиралар шакллантирилади: махсус ва умумий захиралар.

Махсус захира - "стандарт", "субстандарт", "шубҳали" ва "умидсиз" деб таснифланган кредитлар ва лизинг ёки бошқа алоҳида муайян активлар бўйича юзага келиш мумкин бўлган зарарларни қоплашга мўлжалланган захирадир.

Умумий захира - бу захира банк фаолияти бўйича умуман ёки бирор-бир фаолият тури (кредитлаш, инвестициялаш ва б.) бўйича юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун мўлжалланган захира бўлиб, бунда алоҳида муайян операцияларга доир зарарлар бундан мустасно. "Яхши" кредитлар бўйича йўқотишларга қарши ёки миллий валюта девальвацияси бўйича, захиралар бунга мисол бўла олади.

Кредитни таснифлаш тизимида ҳозирги пайтда қуйидаги асосий мезонлар бўйича баҳоланади:

- тенденция ва тармоқ (иқтисодий сектор) келажаги;
- қарздорнинг молиявий аҳволи;
- миждорнинг кредит тарихи;
- муайян лойиҳанинг иқтисодий жиҳатдан асосланиши (низоми);
- корхонадаги раҳбарлик ва бошқариш сифати (агар кредит корхонага берилса).

Маълумки, амалиётда муаммоли кредит деганда, "субстандарт", "шубҳали" ва "умидсиз" кредитлар сифатида таснифланган кредитлар тушунилади. Ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, муаммоли кредитлар кредит рискларининг амалда яққол намоён бўлишининг натижасидир, яъни кредит рискларини тўғри бошқара олмаслик оқибати бўлиб ҳисобланади.

Муаммоли кредитлар келиб чиқишига таъсир этувчи омилларни икки гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1. Ички омиллар:
2. Ташқи омиллар:

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари заҳираларнинг шаклланиши ва ҳисобга олиниши белгиларига кўра икки гуруҳга ажратади. Улар:

- ҳаражат сифатида тан олинадиган заҳиралар;
- тақсимланмаган фойда ҳисобига ташкил қилинадиган заҳиралар.

Мавзу бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Активларни таснифлаш тизимида критерияларни ўзгартириш лозим.

Ҳозирги пайтдаги асосий критерия бўлиб, вақт кўрсаткичи ҳисобланади, яъни ссудаларни таснифлаётганимизда муддати ўтган қарздорлик вақт кўрсаткичи бўйича амалга оширилади.

2. Активларни бошқа турлари бўйича ҳам таснифлаш тизимини шакллантириш лозим.

Амалиётимизда одатда фақат кредитлар таснифлаш тизими мавжуд, қимматли қоғозлар, инвестициялар ва бошқа активлар бўйича ҳам мавжуд эмас. Лекин улар бўйича ҳам заҳиралар шакллантирилади.

3. Ташкил этилаётган заҳираларни манбасида аниқлик киритиш лозим.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз банк амалиётида умумий заҳиралар ҳам, махсус заҳиралар ҳам банк ҳаражатларига олиб борилади. Ваҳоланки, халқаро амалиётда умумий заҳиралар банк фойдасидан ташкил этилса, махсус заҳиралар ҳаражатлар таркибига олиб борилади.

4. Мамлакатимиз банк амалиётида қўлланиладиган “яхши” кредитларни муомаладан чиқариш керак.

Чунки халқаро амалиётда яхши деб таснифланадиган кредитлар мавжуд эмас, стандарт кредитлардан бошланади.

5. Заҳираларни умумий ва махсусга ажратиш мезони сифатида кредит рискларининг ўсиши ва ссудаларнинг қадрсизланиш хусусияти таклиф этилиши мумкин.

Банк активларини таснифлаш ва уларга захира ажратиш кредит рискларига боғлиқ. Яъни кредит рисклари орқали муаммоли кредитлар келиб чиқади, муаммоли кредитларга захира ташкил этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. – Тошкент: Адолат, 1996. – 557 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. – Тошкент: "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 52 (I)-сон
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2-чи нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 7-29.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2-чи нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 30-47.
5. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонун, Тошкент: «Ўзбекистон», 1996 йил 30 август
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги 56-сон «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 2005. – 18 апрель.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2010 йил 6 апрелдаги 1317-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор вазифалари” тўғрисидаги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 декабрдаги 561-сон «Тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоизларни ўстирмаслик сиёсати тўғрисида»ги Низоми

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1999 йил 11 февралдаги 632-сон «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш» Тартиби.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 2 мартдаги 905-сон «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низоми

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 27 ноябрдаги 594-сонли «Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низом.

13. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / – Т.:Ўзбекистон, 2009. - 24 б.

14. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Тошкент.: Ўзбекистон, 2013 й.

15. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 56 б.

16. Каримов И.А. «2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”.Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2015 й. 69 б.

17. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Тошкент: « IQTISOD-MOLIYA », 2007. —347 б.
18. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. – Тошкент: Молия, 2003. –320 б.
19. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Тошкент: Молия, 2002. –187 б.
20. Муллажонов Ф. Ўзбекистон Республикаси банк тизими – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 296 б.
21. Панова Г.С. Анализ финансового состояния коммерческого банка. – М.: Финансы и статистика, 2009. – 272 с.
22. Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ «ДИС», 2012 – 286 с.
23. Банковское дело: управление и технологии: Учеб.пособие для вузов/ под. ред. проф. А.М.Тавасиева.. - Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2010.-863 с
24. Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент)/ Под ред. д-ра экон. наук, проф. О.И.Лаврушина. – М.: Юристъ, 2002. – 456 с.
25. Қоралиев Т.М. ва бош. «Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш» Т.: ТМИ, 2008. -117 б.
26. Абдусаломова О. Тижорат банклари кредитлаш амалиётини такомиллаштириш муаммолари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2002. – №2. – Б. 24-25.
27. Афанасьева О. Проблемы банковского кредитования реального сектора экономики // Банковское дело. – Москва, 2004. – №4. – С. 34-37.
28. ДАТ Асака банкнинг 2010-2014 йиллардаги ҳисобот маълумотлари.
29. Интернет сайтлари:
- www.cbu.uz
 - www.nbu.com
 - www.bis.org
 - www.imf.org
 - www.asakabank.uz
 - www.uba.uz